



“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”: 6-ЧИ ҲАФТА ВАРАҚАСИ



Ҳурматли ватандошлар!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақачамизни мамлакатимизда тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Гарчи 7 кун мобайнида ЎХХ логотипи ва “90-чи йиллар бошида президент Каримов ноннинг нарҳини ҳеч қачон оширмадикка Куръон билан қасам ичганди. Шундан кейин ноннинг нарҳини неча марта оширди? Каримов қасамхўр эмасми?!” деган саволлар акс этган варақаларимиз мамлакатимиз кўчаларида тарқатилгани ҳақида хабар олмаган бўлсак-да, юртдошларимиз ушбу варақамизни ҳам фаол тарқатганига ишончимиз қомил.

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг олтинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга навбатдаги варақачамизни тақдим этамиз. Олтинчи ҳафта варақасида президент Каримов Сўх анклавини Қирғизистонга сотиш ишларини бошлаб юборганини кўтариб чиқдик. Маълумки, мустабид Каримов Ўзбекистон ҳудудларини қирғизларга сота бошлагани ҳақида илк маротаба ЎХХ сайтида таникли сиёсатшунос Усмон Ҳакназаров огоҳлантирганди. Ушбу огоҳлантирувдан бир ҳафта ўтгач бу хавотирлар аини ҳақиқат эканлигини Қирғизистон парламентининг депутати Турсунбек Бакир ўғли ва қирғиз давлат ахборот агентлиги тасдиқладилар.

Шу сабабдан “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг олтинчи ҳафта варақасида “Ислом КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ЕРИНИ - СЎҲ АНКЛАВИНИ — ҚИРҒИЗИСТОНГА ПУЛЛАШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ. Ислом КАРИМОВ -ДАВЛАТ ВА ВАТАН ХОИНИ!” деган хабарни беришни маъқул топдик.

Бу сафарги варақачамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимиздан мақсад оддий ўзбекистонликларни золим Каримовнинг хоинлигидан огоҳлантириб, уларни бу сотқинликка қаршилиқ билдиришга чақиришдир. Ҳаракатимизга ҳайрихоҳ бўлган ватандошларимиз ушбу варақамизни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, айниқса, Фарғона вилоятида ва Сўх анклавидида фаол тарқатадилар, деган умиддамиз. Чунки ушбу варақанинг мазмуни бевосита у ердаги аҳолининг кейинги тақдири билан чамбарчас боғлиқ.

Бир ҳовуч қирғиз фашистлари олдида Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг тиззалари қалтираши ва Ўзбекистонга хоинлик қилаётганлигини ошқора этиш баробарида ушбу муаммоларнинг илдишлари Каримовнинг мустабид сиёсатига бориб тақалишини ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдик. Агар Каримов диктатурасини зарарқунанда ва ёввойи бир ўсимликка ўхшатсак, Сўхнинг қирғизларга сотила бошлагани ушбу ёввойи “ўсимлик”нинг кўплай нобоп япроқларидан биридир. Шу зарарқунанда “ўсимлик”ни Ўзбекистон заминидан суғуриб ташламас эканмиз, ундан нобоп шодалар ва барглари униб чиқиши давом этаверади.

Келинг, мазкур вазиятда, биз, оддий ўзбекистонликлар, олдимизга ана шу мақсадларни қўйиб, “Ислом КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ЕРИНИ - СЎҲ АНКЛАВИНИ — ҚИРҒИЗИСТОНГА ПУЛЛАШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ. Ислом КАРИМОВ -ДАВЛАТ ВА ВАТАН ХОИНИ!” деган хабарни юртдошларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпладанидан жойларга ёпиштириб чиқсак, ватанимизнинг худудий яхлитлиги йўлида, Сўхда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг кейинги тақдири хайрли бўлиши учун жонбозлик кўрсатган бўламиз.

Азиз юртдошлар!

Куйида ҳавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштираётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узок сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложи борица тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узок муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борица тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Ўзимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотипи туширилган ва “Ислом КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ЕРИНИ - СЎҲ АНКЛАВИНИ — ҚИРҒИЗИСТОНГА ПУЛЛАШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ. Ислом КАРИМОВ -ДАВЛАТ ВА ВАТАН ХОИНИ!” деган сўзлар битилган навбатдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмакдош бўладилар, деган умиддамиз.

ЎХХ ташвиқот бўлими

У.ҲАҚНАЗАРОВ. 16 ФЕВРАЛЬ ВА 11 СЕНТЯБРЬ: ЎЗБЕК-АМЕРИКА ЎХШАШЛИКЛАРИ



Худди шунга ўхшаб, АҚШ Президенти Жорж Буш ҳам 11 сентябрь портлашларидан кейин (бир ярим соат ўтиб) телевидение орқали Америка халқига мурожаат қилди. Қизиғи шундаки, ҳам ўзбек ва ҳам америка телеканаллари ўз дастурларини тўхтатиб, дарҳол террористик ҳужумларга эътибор қаратдилар. Айниқса, фавқулодда

ва режаланмаган воқеаларга нисбатан ўзининг индамас ва тепса-тебнанаслиги билан танилган ўзбек телевидениесининг бу портлашлар муносабати билан фавқулодда фаоллашуви тааж-жубли эди.

1999 йил 16 февраль Тошкент портлашларига эртага 14 йил тўлади. Бу портлашлар ҳукуматнинг мусулмонлар ва бошқа муҳолифларга қарши репрессияларнинг расмий сабаби бўлганди. Тошкент портлашларидан икки йил ўтиб, 2001 йил 11 сентябрда ўхшаш террористик ҳужумлар АҚШда ҳам содир бўлди. Бу портлашлар эса Оқ Уй учун Афғонистон ва Ироқни босиб олиш ва АҚШ фуқароларининг эркинликларини чеклаш учун расмий сабаб бўлди. Ўзга аксилдемократик режимлар учун эса АҚШдаги террористик ҳужум бу мамлакатлардаги сўз эркинлиги ва муҳолифатни йўқотиш учун “оқ фотиҳа” вазифасини ўтади.

Бир неча йил ўтиб, бизнинг гуруҳ Тошкент портлашларида Ислом Каримов ҳукуматининг бевосита иштирокини фож этганди. Ўшанда бизнинг баёнотимизни суд жараёнида Каримов айблови фойдасига “асосий гувоҳ” сифатида ўтган Зайниддин Аскарлов ҳам чет эл журналистлари билан суҳбатда тасдиқлади.

Худди шундай ифшо 2001 йил 11 сентябрь портлашларининг ташкилотчиларининг ҳам бошига тушди: портлашлардан бир неча йил сўнгра АҚШда “11.09.2011 воқеалари ҳақиқати” номли гуруҳ пайдо бўлди ва портлашларда АҚШ ҳукуматининг иштирокини исботлади.

Агар бу икки террористик ҳужумлар орасида теран таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, орасида икки йил ва мингларча километр, океан ва маретиклар фарқи бўлган бу воқеаларда гаройиб ўхшашлик ва аини сценарийларни кўрамиз. Шундай қилиб...

11 сентябрь и 16 феврал орасида ўзбек-америка ўхшашлиги

Биз бу ўхшашликларни бир неча умумий мавзуларга бирлаштиришга қарор қилдик:

1. Президентларнинг жонли телеэфирда шошилинч баёнот беришлари. Маълумки, 1999 йил 16 февраль портлашлари ортиданок, (роппа-роса бир соат кейин) Ўзбекистон Президенти телевидение орқали халққа мурожаат билан чиқди.

2. Президентларнинг ўз душманларини шошилинч айбловлари. 1999 йил 16 февраль портлашларидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов телевидениеда қилган шошилинч чиқиши ва ўша куни кечқурун ўтказилган парламент йиғилишида дарҳол исломий экстремистларни ва Муҳаммад Солиҳ бошлик “ЭРК” партияси каби дунёвий муҳолифатни айблаб чиқди. Худди шунга ўхшаб, АҚШ Президенти Буш ҳам ўзининг шошилинч телемурожаатида Жаҳон Савдо Марказига (WTC) уюштирилган ҳужумда исломчи террористларни айблаб чиқди. Бу ерда ишнинг зиддияти шуки, бу террор ҳужумларидан ҳали бирор соат ўтгани ҳам, ҳали тергов ишлари бошлангани ҳам йўқ, аммо “жабрланувчи” тарафлар бу “ваҳшийлик”ларни ким амалга оширганини аллақачон билиб олганлар, ҳатто “жиноятлар” кимлар турганини ҳам эълон қилдилар...

3. Жиноятчиларнинг “мутлақо қўлга олиними ва жазоланиши” ҳақидаги президентларнинг шошилинч ваъдалари. 16 февраль 1999 йил кечқурун парламент мажлисида Ўзбекистон Президенти портлашларни содир этганлар қўлга олиними ва тўлиқ жазоланиши ҳақида ўз халқига ваъда беради. Шунингдек, диктатор Каримов “фарзандлар жинояти учун оталар жавобгар бўлиши”ни ҳам эълон қилди. Бу эса режим муҳолифлари ва уларнинг гуноҳсиз қариндошларига қарши кенг миқёсли катағонларнинг бошланишига ўзига хос сигнал ҳам эди. Худди шунга ўхшаб, АҚШ президенти Буш ҳам 11 сентябрь ҳужумларини уюштирганларнинг, улар қайси давлатда бўлишидан қатъи назар, ҳеч шубҳасиз қўлга олинми ва жазоланишини ваъда қилганди. Бу — Афғонистон ва Ироқнинг босиб олиними ҳақидаги сигнал эди.

4. Президентларнинг “қора кучларга” қарши курашда ҳукумат тарафида

бўлиш ҳақидаги ультиматив талаблари. 16 февраль 1999 йил кечқурун ўтказилган парламент йиғилишида Ислом Каримов шундай деганди: “Бугундан бошлаб биз ваганимиз душманларига қарши ва мустақиллигимизни, барқарорликни ва тараққиётимизни кўролмайдиган “қора кучларга” қарши аёвсиз кураш бошлаймиз. Бу курашда бетараф бўладиганларни ҳам душман санаймиз”. АҚШ Президенти Ж.Буш эса 2001 йил 11 сентябрь окшоми шундай деганди: АҚШ халқаро терроризмга қарши мислсиз уруш бўсағасида турибди. Бу уруш бутун дунё бўйлаб давом этади. Бу урушда бетарафлар бўлмаслиги керак. Содда қилиб айтсам: Ким биз билан бўлмаса, бизга қаршидир”. Ўзбек ва америка президентларининг хайратли ўхшаш ультиматулари: худди уларни битта муаллиф ёзгандай. Орадаги ягона фарқ: Каримов ўзбек халқига, Буш эса бошқа халқларга мурожаат қилаётганди...

5. Маҳаллий ОАВнинг “халқаро терроризм ва ислом радикализи таҳлиқаси ҳақида” жавабаси. Бу ҳақда ўзбек ва америка матбуотидаги юз мингларча истерика руҳида “халқаро терроризм ва ислом радикализи таҳлиқасига қарши” ёзилган ва кўрсатилган материалларни келтиришга ҳожат бўлмаса керак. Агар ўзбек ва америка матбуотидаги бу “материалларни” киёсий таҳлил қиладиган бўлсак, уларда қуйидаги ўхшаш шиорларни кўзга ташланади: “Халқаро терроризмга қарши Президент Каримов атрофида бирлашайлик”, “Оқ Уй халқаро терроризмга қарши бизнинг кўловимизга муҳтож”, “Биз тараққиётимизни кўра олмайдиган қора кучларни йўқ қилишга қаратилган давлатимиз раҳбарининг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлашимиз керак”, “Ҳозир, террорга қарши уруш бошланаётган кунда Оқ Уй тадбирларининг ахлоқий ёки ахлоқий эмаслигини ўйлаб ўтиришга вақт йўқ” ва ҳ.к..

6. “Тасодифий” муаллифлар ва уларнинг “террор” ҳужуми ҳақидаги китоблари. Ажабланарлиси шуки, февраль ҳужумларидан бир-икки ой ўтар-ўтмас Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўз мамлакатларидаги “террор” ҳужумлари ҳақида китоблар нашр этдилар. Бу китобларнинг муаллифлари кўпинча “воқеа содир бўлган жойга тасодифан бориб қолганларини” эътироф этган бўлсалар-да, воқеа тафсилотларини, махсус хизмат ходимларининг террорчиларни қўлга олиши ҳақидаги тафсилотларни иқир-чиқиргача ёзишган ва ўз китобларига воқеа жойларидан фотосуратлар қўйишганди. Энг муҳими, улар воқеаларни ҳукуматлар истаган шаклда баён қилишганди.

Ўзбекистонда 16 феврал 1999 йил ҳужуми ҳақида фақат битта китоб – Исроил давлати фуқароси Олег Якубовнинг “Бўрилар галаси” (Волчья стая) номли китоби нашр қилинди.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ. 16 ФЕВРАЛЬ ВА 11 СЕНТЯБРЬ: ЎЗБЕК-АМЕРИКА ЎХШАШЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ушбу китобда муаллиф Тель Авивдан Тошкентга 14 февраль куни (портлашдан икки кун олдин!) тасодифан, шахсий ишлари билан келганини айтади. Китобда махсус хизмат ходимларининг террорчиларни қўлга олиш учун кечаю-кундуз ишлагани ҳақидаги ушбу лавҳаларга эътибор берайлик: “МХХ терговчилари ўз ишхоналарида кечаю-кундуз иш олиб борганларини кўрдим. Баъзилари бу ерда иш орасида озгина мизғиб олиш учун кўрпа ва ёстиқларини ҳам олиб келишганди”.

Шубҳали ҳам кулгили тарафи, на маҳаллий ва на акредитациядан ўтган хорижий журналистларга ҳеч қандай маълумот бермайдиган ўзбек МХХсининг Исроилдан келган “туристга” ўз эшикларини ланг очиб қўйганидир. Бу ҳам етмагандек, ўзбек махсус хизмати ходимлари “Тошкентга қариндошларини кўргани келган” кишини қучоқ очиб кутиб олаётдилар, унга “террор ҳужуми” содир этилган жойнинг фотосуратларини бераяптилар ва хотинлари остидан келтиргани кўрпа тўшаклар билан тўла ишхоналарини унга кўрсатаптилар... Ўзбек МХХсида бундай очиклик ва ошқоралик қаёқдан келиб қолди экан?

Олег Якубовнинг “Бўрилар галаси” номли китобидаги бундай қовун туширишлар, улардан туғиладиган савол ва шубҳалар туфайли Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгаши Исроил фуқаросининг бу “шоҳ асари”ни нафақат китоб дўконларидан, балки наشريётдан ҳам мусодара қилиб, йўқотдирди. Уқувчиларнинг шубҳаси асоссиз эмасди: дарҳақиқат, Олег Якубовнинг 1999 йил 16 февралдан икки кун олдин Тошкентга келиши МХХ ва МОССАДнинг ҳамкорлигида амалга оширилганди. Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Инояттов 16 февралда Тошкентда портлашлар бўлишини ҳам, бу портлашлардан икки кун олдин Исроиллик журналист Олег Якубовнинг Тель-Авивдан Тошкентга айнан ушбу портлашлар ҳақида китоб ёзиш учун келишини ҳам, унга “Мустақиллик” майдонининг биқинидаги “контора” (МХХ идораси) эшикларини очиб қўйиш лозимлигини ҳам олдиндан биларди.

МХХ раҳбарлари Олег Якубовнинг на Исроил фуқароси экани ҳам, на россиялик криминал авторитет Сергей Михайловнинг («Михасъ») матбуот котиби эканлиги ҳам уялтормади, унга ўз эшикларини очиб беришди ва уни Тошкентдаги “террор” ҳужумига оид етарли материаллар билан таъминлашди. Мана шунақа: агар буйруқ Ўзбекистон Президенти аппаратидан келадиган бўлса, ўзбек хавфсизлик хизмати ходимлари ўз файлларини жиноятчи олами вакилларига ҳам очиб беришга ҳозирдирлар...

АҚШ ҳукумати бундай китобларни шошилишч нашр этишига келсак, АҚШда бунақа “шоҳ асар”лар жуда кўп чиқарилган. Бу китобларнинг деярли барчаси “тасодифий” гувоҳлар томонидан ёзилган бўлиб, улар 11 сентябрь воқеаларини Оқ Уйнинг истақларига мос равишда тасвирлашганди. Бу китоблардан баъзиларини интернетдан топиб ўқиш ҳам мумкин.

7. “Террорчи” дейилганлар учун шошилишч камокхоналар қурилиши. Телевидение орқали қилган ўзининг шошилишч мурожаатида (1999 йил 16 февраль портлашларидан кейин) Президент Ислол Каримов шундай деганди: “Қанийди, террорчилар учун одамлардан узокда, чўлу-биебонда, ҳеч қаёққа қочиб кетолмайдиган махсус камокхона ташкил қилсак. Бунақа камокхонада ўтиришнинг бир куни улар учун нақ жаҳаннамга айланса”. Бу билан у келажакдаги қийноқларга ва Қорақалпоғистоннинг Жаслик посёлкасида, ҳали 1998 йилнинг кузида Исроил махсус хизматларининг лойиҳаси бўйича бошланган концлагерь қурилишига ишорат қилаётганди. МОССАДдан бўлажак камокхонанинг лойиҳасини олган Ўзбекистон ҳукумати, Совет давридан қолган ва қурилиши тугалланмай қолиб кетган Уст-юрт платосининг маъмурий хизмат биноларини реконструкция қилишни бошлаб юборди. Бир пайтлар Совет ҳукумати бу ҳудудда “Бўрон” космик кемасини кўндириш учун заҳира кўнимгоҳи қуришни режаллаганди.

Айни шунга ўхшаб, Америка ҳукумати ҳам шошилишч тарзда Гуантанамодаги ҳарбий база биноларини “террорчи ва исломий экстремист” дейилганлар учун махсус камокхонага айлантира бошлади. Ҳар икки концлагердаги нафақат камералар, балки “опер”ларнинг қийноқ ва таҳқирлаш усуллари ҳам хайратомуз тарзда ўхшашдир. Мусулмонларни қийнаш, уларни хўрлашда қўлланилаётган усулларга келсак, ўзбек ва америкалик садистлар орасидаги ягона фарқи, Гуантанамода мусулмон маҳкумларни фоҳишаларнинг хайз қонларини ичишга мажбур этишар, Жасликда эса фақат шу қўлланилмас эди.

Барча нормал инсонлар бу каби ўлим лагерларига, ундаги қийноқларга тоқат қилолмайди. Барча соғлом фикрли кишилар бундай концлагерларнинг барпо этилишига қарши. Бирок, Жаслик ҳам, Гуантанамо ҳам “халқаро терроризмга қарши курашда зарур” деб ҳисоблагувчилар ҳам топилади. Шулардан бири исроиллик публицист Олег Якубовдир. Россиянинг agentura.ru сайтига берган интервьюсида Каримовнинг “Жаслик” концлагерини шундай мадҳ этади:

«У ерда бўлганимда, учрашув хоналари нима эканини кўрдим. Бу — гилам йўлакчалар тўшалган, юмшоқ мебель ва рангли телевизор билан жиҳозланган алоҳида хоналар эди. Учрашув хонасининг ўзи — бу квадрат шаклидаги, икки қаравотлик, стол, тоза пардалар осилган, ёнида — плиталик ошхона, ёнида — ҳожатхона, душ билан жиҳозланганган. Бу камокхона энди-энди қуриб битирилганида, инсон ҳуқуқлари қурашчи-симан деганларнинг ҳаммаси дарров Ўзбекистон ҳукуматида ташланди. Эмишкун у ерда одамлар даҳшатли шароитларда, юкори радиацияли ҳудудда сақланармиш. Бу ғирт беъманилик. Худого шукрки, мен радиациянинг нималигини биламан, Чернобилда ишлаганман. Мен радиациянинг физиология даражасида ҳис эта оламан — дарров оғзимда аччиқ бир таъм пайдо бўлади. Ишонаверинг, у ерда ҳамма нарса яхши. Озиқ-овкатлар ҳам меъёрида».

Бу интервьюсида “Михасъ”нинг матбуот котиби уқтирмакдаки, “Жаслик” гўёки халқаро талаблар даражадаги камокхона-ю, унда фақат энг хавfli террорчилар ўтирибди. Кейин, интервью давомида сайт муҳбири Марина Латышева ва исроиллик публицист О. Якубов орасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

М. Латышева: «У ерда танилган террорчилардан кимлар ўтирибди ва сиз кимлар билан учраша олдингиз?»

О. Якубов: «У ерда Муҳаммад ўтирагани, Салих Биджановнинг укаси (Муҳаммад Бекжонов назарда тутилаяпти, ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг укаси — У.Х.). Тўғри, ҳозир у ерда эмас. Бу одам Ўзбекистон президентини ағдартиш ва миллий низо қўзғашга чақирувчи Украина мусулмон газетасининг муҳаррири эди».

М. Латышева: «Уни террорчи деб атаб бўларканми?»

О. Якубов: «Яхши, мана бошқалари. У ерда Тошкентдаги портлашларни уюштиргани учун отишса ҳукм этилган бир неча киши ўтирган эди. Мен учрашдим улар билан...»

Ҳатто Россия махсус хизмати вакили ҳам журналистни террорчи ҳисоблаб бўлмайди, деяпти, аммо Исроил публицисти бутунлай бошқача фикрда. Мантиқли саволга эса жавоб бериш ўрнига, исроиллик публицист гани бутунлай бошқа тарафга буриб юбораяпти. Интервью якунида О. Якубов “Жаслик ва Гуантанамога ўхшаш лагерлар халқаро терроризмга қарши курашда жуда муҳимдир” дея баёнот беради.

«Умуман бу камокхона ҳуқуқбонлар орасида кенг ёйилган мавзуга айланди. Ҳатто ЕХХТ мажлисларида ҳам уни муҳокама қилишади. Бу қандайдир савдолашув воситасига айланди. Аммо бу бир хийла холос.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ. 16 ФЕВРАЛЬ ВА 11 СЕНТЯБРЬ: ЎЗБЕК-АМЕРИКА ЎХШАШЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Чунки уруш дегани бу – уруш, бирор нарса қилишнинг иложи ҳам йўқ. Юридик нуқтаи назаридан айтганда, бу қамокхона фақат террорчиларга аталган деб бўлмайди. Бу бир оддий қамокхона. Тўғри, унда терроризмда айбланганлар ўтирибди, лекин улар билан бирга оддий жиноятчилар ҳам ўтирибди. Ўзбекистонда терроризм билан айбланганларнинг асосий қисми ўша ерда ўтириши эса бошқа масала. Раҳбарият бунга тўғри олинган тадбир деб ҳисоблайди, чунки улар ўз ғояларини бошқа турмалардаги маҳбусларга тарқата олмайдилар. Айтқоқиманки, у ерда мен кўплар билан гаплашдим ва афсус-надомат қилганларни деярли учратмадим.

Ҳар қалай, АҚШдаги портлашлар ва толиблар учун Гуантанамода махсус қамокхона қурилганидан кейин, дунёда бу каби қамокхоналарга (ва умуман террорчиларни бир жойга тўплашга) муносабат ҳам ўзгаради, деб умид қилиш мумкин. Ахир ҳеч ким мана шундай даб-дурустан, мажозан айтганда, Афғонистондан туриб Нью-Йоркка зарба бериш мумкин, деб ўйламаган-ку. Шундай экан, қамокхона билан санаторийни чалқаштирмаслик керак».

Кўриб турганингиздек, исроиллик публицист ҳали дунё Гуантанамо ва Жаслик қамокхоналарига нисбатан салбий қарашини ўзгартиради, деган умидда. Мана шунақа хизмат кўрсатган қалам соҳибларининг ёрдами билан, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари “16 февраль” ва “11 сентябрь” каби найранглирни халқро терроризм ва ислом экстремизми кучлари амалга оширгани “террористик ҳужумлар” дея тақдим этишда давом этаверади.

8. “Террорчиларга” қарши ашёвий далиллар: фуқаролик паспортлар ва “террорчи” кундаликлари. Тошкентдаги 16 февраль портлашларидан бир ҳафта ўтиб, Ўзбекистон махсус хизматлари бутун мамлакатга эълон қилишдики, “террорчилар”нинг “терақтгача” яшагани – Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги уйларнинг бирида – исломчилардан бирининг фуқаролик паспорти, арабча ёзувлар битилган ва Калашников автомаги тасвирланган бир дафтар топилган эмиш. Бу дафтарда портловчи моддаларни тайёрлаш усуллари баён этилганди. Бу дафтарнинг фотосуратини, дарвоқе, О.Якубов “Волчья стая” китобида ҳам келтирган. Савол туғилади: “Қандай қилиб, Чеченистон ва Афғонистонда пухта конспирация ва хавфсизлик тайёргарлигидан ўтган, эҳтиёткор тадбирлари таълимини олган террорчилар “ишга” чиқишдан олдин уйда ўз паспорти ва кундаликларини қолдириб кетаверар экан? Наҳотки, уларни ўзлари билан олиб кетишга ақллари етмабди?” ва ш.к.

Худди шунга ўхшаш, “террорчининг” фуқаролик паспорти билан боғлиқ аҳвол 2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаларидан кейин ҳам содир бўлди. Нью-Йоркдаги ВТС биносига қилинган ҳужумдан бир ҳафта ўтиб, АҚШ махсус хизматлари барча ОАВга гўёки ВТС биноси вайроналари орасидан худкуш-террорчилардан бирининг паспорти топилганини эълон қилдилар. Америкалик журналистларда савол туғилди: “Қандай қилиб портлаган учок алангаси ва ёниб, тутдай тўқилган бино ҳаробалари ичидан қайдаги қоғоз паспорт бус-бутун чиқа қолди?” FBI вакиллари бу мантқиқли саволга жавоб беришмади.

Кейинчалик эса улар, худди Ўзбекистон МХХ вакиллари каби, Нью-Йоркдаги “худкуш” дейилганлар яшаган квартираларнинг бирида террорчининг уруш ваҳшатлари акс эттирилган араб тилидаги кундалиги топилганини ҳам эълон қилишди. Бу дафтарда ҳам қўлбола портловчи моддалар тайёрлашнинг усуллари ёзилганди. Ҳаа, негадир Бин Лодан ўз одамларини конспирация ва эҳтиёт чораларига ахши ўргатмаган кўринади. Унинг одамлари учокларгача кириб бора олишган бўлса-да, аммо паспортини уйда қолдириб, кундаликларини квартирада унутиб қолдиришибди-ку, худди Тошкентдаги ўзбек “ҳамкасблари” уйларида паспорт ва дафтарларини унутгани каби. Бу кулгили даражада шубҳалидир!

9. Ҳукуматларнинг “портлашлар”га олдиндан ҳозирлик кўриши ва уларнинг “террорчилар” билан ҳамкорлиги. Мақоламизнинг “Тасодифий” муаллифлар ва уларнинг “террор” ҳужуми ҳақидаги китоблари» деб номланган 6-бандида таъкидлаганимиздек, портлашлардан икки кун аввал Тель-Авивдан Тошкентга Исроиллик публицист Олег Якубов етиб келади. У кейинчалик мазкур воқеалар ҳақида «Волчья стая» номли китоб ҳам ёзади ва ўз китобида аввалроқ Тошкентга етиб келганини тан олади. Бу ерда биз ўзбек ҳукумати бўлажак “террорчилик амалиётлари” ҳақида олдиндан хабардор бўлгани ҳамда унга ҳозирлик кўргани ҳақида яна бир неча мисол келтирамиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1998 йил ноябрида Қорақалпоғистоннинг Жаслик посёлкасида, Совет давридани қолган ва қурилиши тугалланмаган бир объектни (“Бўрон” космик кемаси учун заҳирдаги аэродромни) махсус режим колониясига айлантириш учун реконструкция ишлари бошланди. Реконструкция ишлари Исроил МОС-САДининг лойиҳаси билан амалга оширилди. Объектнинг сифатли ва ўз вақтида ақунланиши учун масъулият Ўзбекистон ИИБ ЖИББ бошлиқ

муовини Михаил Гурьевич зиммасига юклатилди.

Маҳаллий ва хорижий жамоатчилик ўзбек ҳукуматининг февраль портлашларидан огоҳ бўлгани ва ўзлари ҳам бунда иштирок этганини судда асосий гувоҳ сифатида ўтган маҳбус Зайниддин Аскаронинг сенсацион интервьюсидан кейин билишди. Маълумки, февраль портлашларида айбланганлар устидан ўтказилган суд жараёнларида З.Аскаронинг Ўзбекистон ҳукумати фойдасига режим муҳолифларининг ҳаммаси, дунёвий муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳдан тортиб, Ўзбекистон Исломи Харақати (ЎИХ) лидерларигача айблаб, кўрсатма берди. 2003 йилда интернет сайтларида Тошкентдаги февраль портлашларининг ташкилотчиси Каримов ҳукуматининг ўзи экани айтилган мақоламиз эълон қилинди.

Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгаши қарори билан 2003 йилнинг ноябрь ойида махсус хизматлар хорижий ОАВ учун Зайниддин Аскаронинг иштирокида матбуот конференцияси ўтказди ва унда маҳбус бизнинг мақоламиздаги маълумотларни инкор қилиши ҳамда ўзининг тўрт йил аввал судда берган кўрсатмаларини тасдиқлаши лозим эди.

Бироқ, 2003 йил 26 ноябрда Тошкент ИИББ СИЗОсида (“Тоштурма”да) ўтказилган матбуот конференциясида З.Аскаронинг сенсацион бир баёнот бердики, Ўзбекистон ҳукумати (президент Ислом Каримов, МХХ раиси Рустам Иноятов ва ички ишлар вазири Зокир Алматов) президент Каримовга қарши тайёрланаётган суиқасд ҳақида олдиндан хабардор бўлганини билдирди.

Зайниддин Аскаронинг ўз баёнотида, жумладан, Муродулло Қозиев бошчилигидаги гуруҳ тарафидан (бедарак йўқолган андижонлик имом Абдували Мирзаевнинг издошлари) мамлакат президентиға қарши суиқасд тайёрланаётганидан З.Алматов ва Р.Иноятовлар хабардор эди дея баёнот берди.

«Мен суддаги кўрсатмаларимда тухмат қилганим учун Муҳаммад Солиҳдан кечирим сўрайман. Бундан мендан Ички ишлар вазири Зокир Алматов ва МХХ раиси Рустам Иноятовлар талаб қилишди. Муҳаммад Солиҳга қарши кўрсатмалар эвазига, улар менинг дўстларимни, жумладан, Баҳром Абдуллаевни озод қилишни ваъда беришди. Бироқ на Алматов ва на Иноятов ўз ваъдаларида туришмади: Баҳром Абдуллаев ва бошқа биродарлар қатл этилди. Мен яна такрорлайман: Алматов ва Иноятовлар олдиндан тайёрланаётган терактларни билишган ва Муродулло Қозиевнинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиб туришган. Аллоҳга қасамки, Муҳаммад Солиҳнинг 16 февраль воқеаларида умуман алоқаси йўқ» – деганди ўшанда Зайниддин Аскаронинг. Кейинчалик бу ифшоиси учун у Ўзбекистон ҳукумати томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ. 16 ФЕВРАЛЬ ВА 11 СЕНТЯБРЬ: ЎЗБЕК-АМЕРИКА ЎХШАШЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Энди эса 11 сентябрь воқеаларидан АҚШ ҳукуматининг олдиндан хабардор бўлганига доир фактларни келтирамиз. Аввало, шунини алоҳида эслатиб ўтиш керакки, ВТСнинг ҳар икки осмонўпар биносидagi офис мебеллари ва орг-техникалар 2001 йил 11 сентябридан икки ой олдинок олиб чиқиб кетилган. Нью-Йорк департаментининг Қутқарув Хизмати ходими Джо Кейсалиджи (Joe Casalggi) Американ тележурналистларига шундай деганди: «Эгизак бинолар колдикларида ишларканмиз, биз на бирор стол, стул, на компьютер бўлаги, на телефон парчаси бўлсин, тополмадик». Бу икки бинода хизмат кўрсатувчи ходим ўларок (электрик, вахтёр, лифтер ва ҳ.к.) юзга яқин киши ишларди. ВТСнинг асосий таркиби бўлган «танланган миллат» (яхудийлар – тарж.) вакиллари эса ишларини аллақачон бошқа жойга кўчириб бўлган эди.

Яна бир мисол, бу сафар Россия Федерациясидан, у «танланган миллат» вакиллари Нью-Йоркдаги ВТСга тайёрланаётган ҳужум ҳақида олдиндан огоҳлантириб қўйилганига билвосита гувоҳлик беради. 2001 йилнинг августда масонларнинг «Обустройство и ремонт» журналининг июль ойи (!!) сонидида куйидаги мазмунда қоллаж чоп қилинди: иккита учоқ Нью-Йоркдаги ВТС биноларига келиб урилаяпти. Коллаж остида эса «11.09.2001» санаси келтирилган. Яъни, россиядаги масонлар 2001 йилнинг июлида ўз кавмдошларини 11 сентябрь куни ВТСга ҳаводан ҳужум бўлишидан огоҳлантирганди.

«Террорчи» дейилганлар билан Америка ҳукуматининг ҳамкорлиги ҳақида ҳам фактлар мавжуд. 2001 йилнинг январидида Жорж Буш маъмурияти Бин Лодан ва унинг оила аъзоларини таъқиб қилишни тўхтатиш ҳақида расмий буйруқ чиқарди. Шундай қилиб, бўлажак «террорчиларга» олдиндан Америка ҳуқуқ-тартибот органлари таъқибидан ҳимоя таъминланганди. Жорж Буш маъмуриятининг Бин Лодан ва оиласи билан ҳамкорлик қилганини куйидаги фактлар ҳам исботлайди. Масалан, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Оқ Уй бу «терактларда» «Ал-Қоида» ни айблаб чиққани ҳаммага маълум, шу билан бирга, бу ташкилотнинг раҳбарларидан бўлган Бин Лоданни қидирувга берди. Бироқ, Америка ҳарбийлари Бин Лодан ва Афғонистондаги унга боғлиқ одамларни «излашга» киришиб кетган дамларида, №1 «террорчининг» ака-укалари Абдуллоҳ ва Умар Бин Лоданлар Виржиния штатининг Фулчоук шаҳрида, шундоққина АҚШ Марказий Истихборот бошқармаси (!!) штаб-квартираси яқинида тинч-омон яшар эдилар.

Аммо бу факт ҳам хали энг кучлиси эмас. 2001 йил ноябрда ўша пайтда дунёда энг биринчи қидирувдаги шахс бўлган Усома Бин Лодан Дубай (Араб Амирликлари) шаҳрида АҚШ Ҳарбий Ҳаво Кучлари госпиталида (!!!) икки ҳафталик даволаш курсидан ўтказилади. «Госпиталимизда даволаркан, Усома бин Лоданни МРБнинг маҳаллий агентлари зиёрат қилиб туришди», деганди АҚШ Ҳарбий Ҳаво Кучларининг собиқ зобити, эндиликда Лос-Анжелес полицияси ходими Майкл Рапперт (Michael Ruppert) АҚШ тележурналистларига.

Умуман, Бин Лодан оиласининг АҚШ ҳокимияти билан дўстлиги узок тарихга эга. Ҳали 1976 йилдаёқ Усоманинг акаси Салим Бин Лодан оиланинг молия менежери лавозимига Жимми Бат (Jimmy Butt) исмли шахсни ёллади. Жимми Бат эса Жорж Бушнинг болалик дўсти ҳамда Буш оиласининг халқаро ишларидаги ишончли вакилидир. 1998 ва 2000 йилларда АҚШдаги курол-яроғ савдосидаги энг йирик ташкилотлардан бири – яҳудларнинг «Carlyle Group» компанияси топшириғи билан, қатга Жорж Буш Усоманинг акаси Шафий Бин Лодан билан учрашганди. Иккала учрашув ҳам Жидда шаҳрида (Саудия Арабистонида) ўтган. Катта Жорж Буш Вашингтон шаҳридаги қароргоҳида Шафий Бин Лодан билан ҳатто 2001 йил 11 сентябрь тонгида ҳам учрашган.

11 сентябрь воқеаларида АҚШ ҳокимиятининг олдиндан хабардорлиги ҳамда ундаги иштироки мавзусига қайтиб, шунчаки учоқлар зарбаси ва портлаши билан ВТС биноларини бундай – сановий йиқитиш кўринишида вайрон этиб бўлмаслигини, бино деворининг асосий устунлари орасига юзлаб микдорда термит моддаси (юкори температурали портлаш воситасида ҳар қандай метални эритиб юборувчи алюмин оксиди) жойлаштирилганини, портловчи моддалар бўйича америкалик мутахассислар аллақачон исботлаганлар. Ва шубҳали жиҳати шундаки, учоқ олиб қочирилишига одатда зудлик билан жавоб берадиган АҚШ Ҳаво Мудофааси тизими, 11 сентябрь куни «Боинг»лар қочирилиши ҳақидаги SOS-сигналларига умуман жавоб бермаганлар.

Ўзбек ва Америка ҳукуматлари ёлғонининг борбод бўлиши

Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматларининг 16 февраль ва 11 сентябрь воқеалари ҳақидаги ёлғон баёнотлари нафақат сценарий тузилиши ҳамда обдон пишитилган найранглари билан, балки бир зумда барбод бўлиши билан ҳам бир-бирига ўхшашдир.

Каримовнинг ҳам, Бушнинг ҳам сохта далиллари бир пайт келиб совун пуфаги каби ёрилди. Юкоридаги бобларда биз Зайниддин Асқаров Тошкентдаги февраль портлашларининг ҳақиқий ташкилотчилари ҳақидаги сирни ҳаёти сўнгида очиб кетганини баён этдик. АҚШдаги 11 сентябрь портлашлари ҳақида ҳам бундай гувоҳлар топилди.

Гап шундаки, 11 сентябрь воқеалари атрофидаги расмий жазавасносидида АҚШ ҳокимияти бир афсона тарқатди: эмишки, 19 ўғри-террорчи тарафидан 4 учоқ олиб қочилган. Буш маъмурияти ҳатто ўлган террорчи-худкушларнинг исм-шарифини эълон ҳам қилишгача борди. Бироқ кейинчалик маълум бўлдики, ўлган 19 «террорчи»дан баъзилари (тўрт киши) тирик экан. Мана ўша исми-шарифи худкушлар рўйхатида эълон қилинганлардан бири Абдулазиз ал-Умар «The Telegraph» газетасига нима деган: «Мен исмим ва фамилиямни, фотосуратимни ўлган камикадзелар рўйхатида кўриб, ақлим бовар қилмади. Афтидан, ҳукуматда менинг исм-фамилиям, паспорт билгиларим бўлган. Бироқ мен камикадзе эмасман. Мен мана – тирикман! Мен учоқни бошқаришни ҳам билмайман, ҳеч қачон унга ўқиган ҳам эмасман!» Бу интервью 2001 йил 23 сентябрь куни чоп этилган.

Кўриб турганингиздек, каримовча уйдирма тўрт йилгина яшай олди, бушники эса – бор-йўғи 12 кун холос. Иккала террористик ҳужумнинг сценарийси бир конторада, бир муаллифдан, Каримовни ҳам, Бушни ҳам бошқариб терган биз умумий бошқарувчи тарафидан ёзилгандек таасурот пайдо бўлади.

Хулоса

Биз бу фактларни эслатишдан мақсадимиз, шунчаки ўқиб кўя қолиш эмас. Мақсадимиз – ўқувчилар келажак учун тегишли хулосалар чиқарсинлар. Эҳтимол, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукумати хали яна «16 февраль» ва «11 сентябрь» қабилидаги найранглари чиқарар. Шунини бемалол айтиш мумкинки, Вашингтондаги Оқ Уй ҳамда Тошкентдаги Оксаройда ижод этилган террористик ҳужумлар айнан мана шу мақоламизга келтирилган сценарий ва унсурлардан таркиб топган бўлади.

Шундай экан, огоҳ бўлинг: Вашингтон ва Тошкентдан бундан ҳам баттар «спектакл»ларни кутиш мумкин, кейин эса улар режим муҳолифларига қарши оммавий репрессия учун расмий баҳона бўлажак.

Каримов режимининг тайёрлаётган «спектакл»лари ҳақида келгуси мақолаларимизда батафсил тўхталамиз.

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос
2013 йил 15 февраль



ЁШЛАР БИР НАРСАНИ БИЛИБ АЙТАДИ...

Сиёсатшунос Усмон Хақназаровнинг диктатор Каримов зулмига доир мақола-ларини ўқирканмиз, дунёдан ва бошимизда турган офатдан хабарсизлигимиз бизга алам қилди. Нафрат бизни неча кунки, бир сонияга ҳам тарк этмади ва у фақат Ислому Каримовга қаратилган эди. Минглаб қамокларда ўтирган ва юзлаб қатл этилган ўзбек ва ўзбек бўлмаган, асосийси мусулмон бўлган йигитларга юрагимиз ачиди. Бу ёшлар икки давлат (Исроил ва Ўзбекистон) ўртасидаги жиний конспирациянинг қурбонлари бўлганига ишонч ҳосил қилдик.

Мазлумлар-у, маҳкумларни ва ҳаёти фақат фожеадан иборат эрксиз миллатимизни бу давомли офатдан ким қутқаради? Айни кундаги ҳаёт тарзимизга қараб туриб, бу қандай мустақиллик бўлдики, ҳукумат ўз халқини қамаш ва талаш билан машғулликка гувоҳмиз. Халқимизнинг ахvoli бутун оламга маълум бўлса-да, ҳукумат сиёсатига кўра, одамлар гуё бахт уммонида ботган. Мактабнинг бошланғич синф ўқувчиси ҳам ҳатто Қуръон ўқиш, динда бўлиш, сиёсатни танқид қилиш, эркин фикр айтиш қамалиш эканини яхши билади. Савол туғилади: ҳаёт шундай экан, ҳукумат ва халқ дегани нима ўзи?

Конституциямизнинг 1 боб, 2 -моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, дейилибди. Ўйлаб қараганда на давлат органлари ва на мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулиятига гувоҳ бўлмадик. Унга биргина мисол, бугунда жуда оғизга тушган кишлок фуқароларига уй-жой қурилишларини олсак, ҳукумат ва мансабдорлар халқни талаётгани очиқ ошкор кўриниб турибди. Чала қурилган ва эгасиз ташлаб кетилган қурилишларни истаган вилоят ва тумандан истаганча топширингиз мумкин.

Қонуннинг VII боб, 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсага олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас”, дейилибди. Ана холос! Мамлакатимизда қамокқа олишдан осони йўқ. Мана биз талабалар, эркинмиз. Президент айтганидек қамил инсон бўлиб ўсишимиз керак. Лекин қандай қилиб, қамил инсон бўласиз, бурнингиз тагида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга фикр билдира олмайсиз.

Инсон тафакқури қолипга солинган жамиятда қамиллик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Афсуски, буни яҳудий ИАК жаноблари билишни истамайдилар. Яна ўша уй-жойлар қурилишига қайтар бўлсак, айни кунда мазкур уйлар қурилишини тадбиркорларга юклашибди. Пулини-ку ҳукумат олиб бўлган. Нега энди тадбиркор уй қуриши керак, деб сўраш мумкин эмас. Қураётган кишиларнинг ўзлари эрта-индин бу уйлар тўкилиб тушади, дейишмоқда. Чунки қурилишнинг ўз қоида-си, ўлчовлари бор. Ишсизман деган ҳар қандай одам ёки ўқитувчи уй қуравермайди-ку. Тадбиркорнинг ҳам кўчада ётган пули йўқ, айтишларича амаллашапти. Нима қилсин, фикр билдира олмайдилар, жонни қутқармоқ ҳам қаҳрамонлик эмиш, яшамокчи. Озод халқлар ўз эрки учун: “тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб ўлган яхши”, деб қурашганларини ўқиганмиз. Бугунда эса Ўзбекистонимизда “тик туриб ўлгандан кўра тиз чўкиб бўлса ҳам кун кўрган доно”, деган мақол пайдо бўлибди, билмаган эканмиз.

Хақназаровнинг мақоласидан сўз кетса, “ха, энди узоқда туриб ёзаверишади-да, уларга осон. Бу ердагиларга қийин. Биз Аллоҳга солдик”, деганлар ҳам бўлди. Сотқин ИАК ва унинг қотил командаси учун зўр қулайлик. Шундай экан, мухтарам сиёсатшуноснинг биринчи мақоласида исмлари тилга олинган раҳбарлар ва олимлар ИАК “бош” бўлган 23 йил давомида халқимизни аёвсиз жазолашда жанобга қўмақдош бўлганларини тушуниб етдик. Бу жиноятчилар гуруҳи жиноятларга бош бўлиш билан бир қаторда, ўзларига издош неча юз ёки минглаб жиноятчиларни тайёрлаганлари ҳам маълум. Мана яна бир маротаба кўздан ўтказайлик, ИАКнинг маслаҳатчилари, ўзбек халқининг № 1 душманлари кимлар экан:

В. Бронштейн — давлат маслаҳатчиси (20 йилдан буён);
Михаил Гуревич — ГУИН бошлиғи ўринбосари;
Анвар Турсунов — ҳозирда Тошкент шаҳар имом хатиби;
Ҳамидулла Кариматов — Бош вазир ўринбосари бўлган;
Рустам Иноятов — МХХ раиси;
Ислому Каримов — Президент;
Зокиржон Алматов — собиқ ИИБ вазири.

Хизб аъзоларини кўпайтириб, кейинчалик «яхши ҳосил» йиғмоқчи бўлган Президент нима учун 1995 йилдан бошлаб «Ўзбекистонда Ҳизбут Таҳрир» қўшма лойиҳасини Исроил маҳсус хизматлари билан диёримизда амалга оширилишига рози бўлган? Нима учун мамлакатимиз худудига диний-экстремистик оқимни сунъий йўл билан олиб қилинишига ўзи бош-кош бўлган? Унинг ўзбек халқига душманлигининг

яна қандай сабаблари бўлиши мумкин? Ушбу саволларга жавоб аллақачон ишотланган, у ҳам бўлса ундаги Ислому душманлик ва сионизм ғояларидир. Биз бунга авваллари ишонмаган эдик, лекин ИАК фаолиятининг ўзи буни исботлаб турибди ва Усмон Хақназаровнинг таҳлилларини ҳеч нарса билан рад қилиб бўлмайдилар.

ИАКнинг айёр, золим, қасоскор, ислому динининг ашаддий душмани, маҳаллий халқни бир қақага олмайдиган диктатор эканлигини кўрсатувчи исбот ва далиллар шундоқ кўз ўнгимизда. Краснов, Гольшев ва Бронштейн деган яҳудийлар ҳамон И. Каримов атрофида, 20 йилдан бери бирга. Шунинг учун ҳам мамлакатда ислому динининг ўрни фақат қизил гапларда қолмоқда. Демократия, эркин сайловлар мутлақо йўқ, ҳақ-ҳуқуқлар поймол этилган, матбуотда цензура ҳукмрон. Коррупция гуркираган. Иқтисод базўр нафас олаяпти, ойликлар паст. Ҳамма ўзининг соясидан кўркади...

Шу ўринда буюқ Шекспирнинг “Қирол Лир”ини эсласак, миллат фожеасининг асл сабаби нимада эканлигини озгина бўлса-да тушуниш мумкин. Граф Глостернинг никоҳсиз туғилган ўғли Эдмунд қасофатига бутун қироллик қонга ботади. Бизнинг аламзада ИАК ҳам 23 йилдан бери ўзбек халқига, бутун мусулмон оламига нафратини амалда исботлаб келмоқда. Буни кўрмасликка олиш қулликка абадий розилик белгисидир. Қуллик ва хорликка рози эканмиз, демак бундан баттарига ҳам тайёрмиз деганимиз-да бу.

Мана, яқинда бу беҳосият жанобнинг 75 ёшлигини “нишонладик”. Халқимиз ҳаётини кузата туриб, қулдорлик тарихи тарорланишини яна бир марта унинг кийёфасида кўрдик. Шунда ҳам жиммиз. Сабр-тоқатимизга жавобан бир даврадош дўстимиз “ўлларга”, яъни ўзлик ўзимизга атаб, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг “Ишчилар уйғон” шеърига ўхшатма машқ қилибди. Ёмон эмасга ўхшади. Унда шундай сатрлар бор:

Эй ўзбек халқи кўзингиз очинг,
Нафратингизни ИАКка сочинг,
Қалтак олиб бўлса-да кўчага чиқинг,
Қуллик занжининг парчалаб, узинг.
Эй ўзбек халқи уйғон, уйғон.
Энди уйғонмаслик бу охирзамон...

Азиз юртдошлар, энди уйғонмаслик чиндан ҳам охирзамондан даракдир... Лекин ҳар қанча эзилмайлик, биз албатта қувонадиган кунлар келишига ишонишимиз керак. Ёшлар бир нарсани билиб айтади, қурашга шай турайлик, золимларни кўздан қочирмайлик. Аввалги мақолаларимизда ҳам айтганимиздек, улар ҳақидаги ҳукми халқ ўзи ўқияжак, иншоаллох...

ТАЛАБАЛАР.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Эй, йигит!

Бу гапларни диққат эътиборингизни тўплаб мутолаа қилинг. Бу гаплар сиз ёшларнинг орангиздан айрилиб, “ака ёки амаки” мақомига ўтаётган бир ғарибнинг сизга насиҳатидир!

Эй, йигит!

Унутмангки, Аллоҳ таоло сизни Ҳақ йўлнинг йўлчиси қилиб яратгандир. Вақт ўтмасдан, бир кун келиб зор – зор йиғламаслик учун ҳозирдан ақлингизни бошингизга тўплаб олинг. Билингки, йигитлик бир шарафдир, шундай экан шарафингизни тупроққа қориштирманг. Ўткинчи дунёни деб, ўзингиз эътиқодсиз ва ақлсиз ўткинчилардан бўлиб қолманг. Унутмангки, бугуннинг эртаси, бу дунёнинг эса охирати мутлақо келади.

Эй, йигит!

Ақлли бўлинг, аммо асло ҳамма ишни ақлга суянтирманг. Зеро, ақл ораларингизда баъзиларингиз дадасининг пулига сотиб олгани машинанинг рулига ўхшайди. Машинада ифтихор билан ўтиришингиз ўзи етмайди. Уни бошқариш учун аввало салоҳият (ҳайдовчилик ҳужжати), кейин эса борадиган бир мақсаду манзил бўлиши керак. Демак, рулни кимдир бошқариши керак. Худди шундай, инсон ақлининг ҳам қандайдир кучнинг бошқарувига эҳтиёжи бордир. Ақс ҳолда инсон дейилган мавжудот рули бошқарилмайдиган ёки маст – аласт ҳайдовчи тарафидан бошқарилаётган машинага ўхшаб қолади. Атрофингизга диққат билан қарасангиз, бу номи инсон, ўзи пачағи чиқиб, йўлнинг чеккасида харобага айланган, тўда-тўда “занглаган инсон – араваларини” кўрасиз...

Эй, йигит!

Мана шулар ёшлигини ақлсизлик, яъни хато ва гуноҳлар билан йўққа чиқарган, йигитлик шарафини ерга уриб, умрини бекорга ўтказётган бечоралардир. Булар фақат ақлларига суянганлар, яъни “автомобилнинг рулини бошқармасак ҳам манзилга етамиз”, деб ўйлаган, бу орқали йигитлигини занглаган темир парчасига айланганга айланганлардир. Агар шу ақлсиз бечораларга қисматдош бўлишни истамасангиз, ақлни “рул” ўрнида кўринг ва унинг бошқарувчиси сифатида Илоҳий ҳақиқатларни тан олинг!

Эй, йигит!

Қонингизнинг қайнаши, кўзингизнинг ўйнаши асло сизни чангалакзорларга эргаштириб кетмасин. Зеро, булар кутурган нафсининг, яъни нафси амморанинг аломатларидир. Кўзингизни юмиб, бироз хаёлга ботиб, ички дунёнгизга қарасангиз, нафсингиздан хоҳишу истакларнинг, шахвагу орзуларнинг қайнаб чиқаётганини идрок этасиз. Йигитлигини тупроққа қориштирганлар, ёшлигида харобага айланганлар мана шу “вулконга” асир тушганлардир. Улар ақлдан жудо бўлган “жинилар” эмас, аммо ақлини бошқарадиган мўъжизавий



ЭЙ, ЙИГИТ!

“рулдан”, яъни имондан маҳрумдирлар.

Эй, йигит!

Имонсизликнинг оқибати инсонсизлик, яъни инсоний қадриятларнинг йўққа чиқишидир, буни асло унутманг. Кўпчиликнинг имонсиз бўлиши сизнинг ҳам уларга ўхшаб номи инсон, ўзи маънавиятсиз мавжудотга айланишингизга сабаб бўла олмайдди. Зеро, шайтон йигитларнинг қулоғига шундай шивирлашни севади: ҳамма ўйнаб – кулмоқда, ҳамма айшу ишратда, ҳамма шундай экан, бир ўзинг чеккада қолиб нима қиласан?. Бу лаънати шайтоннинг инсонларни тўда-тўда қилиб, дўзахга ҳайдаш усули эканлигини билиб олинг. Ахир, ҳамма ўзини оловли жарга отаяпти, деб ким ҳам бундай “ҳаммага” эргашишни истайдиди?. Кўзингизни очинг, вақт борида этакни ёпиб, имондилар даврасига қўшилишга шошилинг.

Эй, йигит!

Белингизни маҳкам боғланг, зеро йигитнинг белида белбоғи бўлади. Белбоғингизни бўлар бўлмасга ечаверманг. Унутмангки, Аллоҳ таоло Одам отамизнинг белидан бизларни, яъни илк отамизнинг зурриётларини олиб, сўнгра бизни огоҳлантириш учун, ўзимизни ўзимизга қарши гувоҳ қилган. У мўъжизавий онда Аллоҳ “Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?”, дея сўраганида зурриётлар оламидан қиёматга қадар келиб кетадиган инсон фарзандлари “Албатта, эй Роббимиз, ягона Парвардигоримиз Ўзингсан”, дея жавоб берган эдилар. Шундай экан, белбоғ ечишининг шарти ҳам Парвардигоримизнинг ҳукмларига мос равишда бўлиши керак. Ақс ҳолда, у зурриётлар хазинасини ҳам тупроққа қориштираш, унутмангки, тупроқдан фақат дарахт уруғи униб чиқиб, мева беради. Сизнинг белингиздаги хазинадан ҳавойи нафс таъсирида “тупроққа” тушадиган “дона”лар эса, охиратда вужудингизнинг илма тешиқ қиладиган ўқларга айланадилар, билиб қўйинг...

Эй, йигит!

Белбоғингизга боғлаган қиличингизни фақат адолат учун қинидан чиқаринг. Омон, адолатли бўлинг!. Адолат масаласида ўзингиз, ота – онангиз, қариндош – уруғингиз кўзингизга кўринмасин. Тақрор айтаман, адолатли бўлинг. Чунки адолатли бўлмасангиз золимга айланасиз.

Золимлик эса бадбахтликнинг энг тубан нуктасидир.

Сиз эса йигитсиз, қоматингиз тикдир. Парвардигоримиз имоннинг аввалги шартлари сифатида тўғрилиқ ва адолатни амр қилгандир. Адолатли бўлмасангиз, аввало ўзингизнинг қаддингиз букилади, кейин бу билан адолат қарда қолди, дея зор – зор йиғлаётган аёлларнинг, болаларнинг, қарияларнинг умидини йўққа чиқарасиз. Билингки, золимларнинг душмани Аллоҳ таолодир, У Буюк Зотни енгадиган куч эса йўқдир. Шунинг учун адолатли бўлинг ва адолат байроғининг инсоният устида ҳилпираши учун ўз хиссангизни қўшинг. Адолатнинг зидди зулмдир, зулм эса ҳақ ва ҳуқуқларни уларнинг эгаларига бермасликдир. Шунинг учун ҳам аввало Парвардигоримизнинг ҳаққини У Улуғ Зотга беринг – бандалиқда асло Унга шерик қўшманг. Зеро, Аллоҳ таолонинг ҳаққини Унга бермаганлар мушрикдир, мушриклар эса илоҳий ҳукмга кўра нажасдир. Асло ўзингизни ширк нажасига ботирманг, чунки бу маънавий ботқоқликда ўлганларни жаҳаннам ўти ҳам тозалай олмайдди. Шундан кейин навбати билан ота – онангизнинг, қариндош – уруғларнинг, мўмин – мусулмонларнинг, мусулмон бўлмас ҳам инсон бўлганларнинг, набобату ҳайвонотнинг ҳақларини уларга беринг ва улар бу ҳақлардан маҳрум бўлиб қолмаслиги учун Ҳақ ва ботил орасидаги кураш майдонида турунг.

Эй, йигит!

Аллоҳ таоло сизга куч ва шижоат бергандир, аммо буларга тавозени ҳам қўшиб бергандир. Кибрдан узок турунгки, бу билан якмамахов бўлиб қолишдан қутуласиз. Шеърларда айтилгани каби йигитнинг билаги қилич ўйнатиш, қўли эса ёрининг юзини сийлаш учундир. Аммо “жонон” дейилганда жонон ва лаззатли суҳбатларни ҳам унутманг. Яхшилар ва содиқлар билан бирга бўлиб, ҳикмат ва ҳақиқат тўла суҳбатлардан баҳраманд бўлинг. Бугунги кунда қулоқларига кеча – кундуз сим тақиб олган, ҳеч турмасдан “севдим, ёндим, ўлдим” қабилдаги шахвоний наволарни тинглаш билан овора бўлаётганларга ўхшаб яккаю ягона қалбингизни ўлдирманг. Билингки, қалбар илоҳий мақомларни тинглаш билан тириладилар. Шундай экан, қулоқларингизни Куръони Карим оятларига очиб қўйинг, агарда илоҳий ҳақиқат тиловатини тингларкан, уларнинг маъносини тушуниб, бошингиз ерга эгилиб, кўз ёшларингиз юзингизга оқаётган бўлса, демак сиз қалби тириклардансиз. Бу ўткинчи дунёнинг бахти саодати ҳам, охиратда қутулиб қолишингизнинг сабаби ҳам мана шу тирикликдадир.

Эй, йигит!

Ҳар яхши нарсанинг бир кадри бордир. Агар ушбу ёзилганларни яхши насиҳат ўрнида кўрсангиз, унинг кадри шу ғарибнинг ҳаққига пинҳона дуо қилишингиздир. Аллоҳ таоло сизни ҳидоят йўлидан айирмасин! Омин!

Намоз Нормўмин

Ўзбекистон телевидениеси Конституцияга зид равишда (31-модда) динга қарши кўр-кўрона ва аҳмоқона кўрсатувлари билан одамларнинг нафратини кўзга ташташда ва асабини ўйнатишда давом этмоқда.

11 феврал куни Ўзбекистон каналининг хужрада дин ўрганувчиларга бағишланган кўрсатуви инсонларнинг диний эътиқоди ва виждон эркинлигини очик-ошкор бўғишга қаратилди, дейди нафақадаги ўқитувчи Гулсара опа.

“МАДДОҲЛАРНИНГ ЮЗИГА ТУПРОҚ СОЧИНЛАР!”



Гапираётган гаплари, ўқийдиганларга қўяётган айбномалари куракда турмайди. “Фарзандларимиз яширин таълим берувчи тайинсиз кимсалар тузоғига илиниб қолаётган” эмиш. Уйда ўқитиш мумкин эмасмиш, ким ўқишни истаса диний таълим масканларида ўқисин эмиш. Хўш, қайси таълим масканида ўқийди? Йилга 15-20 тадан ортиқ ўқувчини қабул қилолмайдиган “Хадичаи Кубро” хотин-қизлар мадрасасидами?

Мусулмонлар идорасида ишловчи, номи билдиришни истамаган ходимнинг гапига қараганда, агар хошига қўйиб берилса, диний таълим олишни хоҳловчилар биргина пойтахтнинг ўзида ҳар йили бир неча мингдан кўпроқ бўлиши мумкин экан.

Авваллари Тошкент Ислом олий маъҳади ва Ислом университети қошида уч ойлик, олти ойлик хотин-қизлар пулик курслари фаолият олиб борарди, дейди идора ходими. Бундан ҳеч ким зарар кўргани йўқ эди, лекин ҳаммаси қискариб кетди. Одамлар диний илмга ташна. Қунига неча одам ўқимокчи эдим, деб келади.

Манъ қилинган сари талаб ортгандан ортиб бормоқда.

– Унда нима учун талабнома билан Ҳукуматга мурожаат қилмайсизлар?

– Э, айтасиз-да. Ҳукуматнинг ўз билгани билган. Бу ношуд, қуфриядан мерос раҳбарлар одамлар дин ўрганса террорист бўлади, деб кўрқишади. Халққа ислом керак, дин керак. Ислом манъ қилинган билан қанча ёшлар бошқа динларга кириб кетишяпти-ку.

Лола Рискиева Жиззах пед коллежини тугатиб, диний билим ўргангани учун айбдор қилинди.

Қорақалпоғистоннинг узок бир туманидан Исломи, Қуръонни ўрганиш учун Тошкентга келган Зебохол исмли киз “Хадичаи Кубро” га киролмагач, сўраб-суриштириб устоз тоғгани қонунга хилоф саналди. Яна битта диний эътиқодли тижоратчи аёл “рўмол савдоси” билан шуғулланар экан ва ҳоказо. Қаранг-а, Жиноят кодексига “рўмол савдоси” банди ҳам бор экан-да.

“Жиноятчилар”ни топишда маҳалланинг фаолларидан бўлган бир аёл отин ойиларни йўлга солиб бўлмаслигидан нолинди. Отинларга гап таъсир қилмас экан. Кечкурун пойлай олишмабди... Ана халос, кундузлари пойлаб туришолмаган экан-да. Ёши бир жойга ботиш қолган аёл маҳаллада пойлоқчилик, жосуслик қилиб юрса ва бу ҳақда бутун мамлакатга мақтаниб ўтирса?! Бу қайси қонунда қафолатланган экан?

Дин ишлари бўйича қўмитанинг манкурт ходимларидан бири эса катта дабаба билан Ўзбекистонда Ислом институти ва Университети ва бир қанча мадрасалар борлигини таъкидлади. 30 миллион аҳолининг катта қисми ёшлар бўлган мамлакатда, камида 3-5 миллион ёш диний билимга ташна бўлиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмагани ажабланарли бўлди. Дин ишлари бўйича “цензура ташкилоти” ходимидан бундан яхшироқ гапи чикмаслиги ҳам маълум.

Хуллас, бири боғдан, бири тоғдан олинган ва ямаб ясалган бу кўрсатув жонжаҳди билан фуқаронинг Қонун билан қафолатланган диний, руҳоний, маънавий эҳтиёжини қоралаб кўрсатишга ҳаракат қилди. Ниҳоят “саводхон муаллиф” “Қалтафаҳм ота-оналар ўз хатоларини тушуниб етарлар” деган тилакда терроризмдан дарак берувчи ваҳимали кўрсатувини яқунлади.

Қўриниб турибдики, Диктатор Ислом Каримовга на демократия, на маърифат, на диний эътиқод, на эркин фикр, ҳақ сўз эмас, унга бир гала маддоҳлар кераклигига халқ аллақачон қўниқиб кетган. Бу юртда қосам оқарсин десанг, ҳамма нарсани йиғиштириб қўй-у, маддоҳ бўл, деб бежиз айтишмаган. Дин эса “Маддоҳларнинг юзига тупроқ сочинлар!” деб буюради. Шундай экан, эътиқод ва миллат душмани бўлган Президент очиб қўйган ўқув даргоҳлари ҳам унинг хошига кўра иш тутишини тушунса бўлади.

А. Каримов.

СУРХОНДАРЁДАН ҲАМ КУЛГУЛИ ҲАМ АЯНЧЛИ ХАБАР

Бу вилоятдаги хайрихоҳларимиздан бирининг хабар беришича, МХХ вилоятга бўлими туманлардаги ўқитувчилар вакиллари билан Термизда бир йиғилиш ўтказган.

Ушбу мажлисда МХХ вакили ўқитувчиларни уларга е маил почталари орқали ЎХХ хабарларининг мунтазам келиб тургани ҳақида маълумотга эга эканликларини айтган.

Аммо жосуслар ЎХХ хабарларининг айнан кимнинг е маилига келиб тушаётганини аниқлай олмаганлари учун,

йиғилишда қатнашган ўқитувчилардан ҳеч кимни бевосита бундай “жиноятда” айблай олмаган.

Бу мажлисдан кейин вилоят ўқитувчилари МХХ нинг ўзларининг е маилларини фош қила олмасликлари ҳақида маълумотга эга бўлганлар ва бу масалада хотиржам бўлишлари керакликларини тушуниб етганлар.

Олтинсой районидан олинган хабарга кўра, бу районда Президент фармони билан ўрнатилган уйлар лойиҳаси доирасидаги иншоат ишлари учун ҳар бир

ўқитувчининг ойлик маошидан 80 -100 минг сўм пул ушлаб қолинаётган экан.

Бунинг устига ушбу уйларнинг қурилишида ўқитувчилар мажбуран ва бепул ишлатилиб, кейин бу уйларни сотиб оладиган топилмаганда яна ўқитувчилар ушбу уйлардан сотиб олишга мажбурланмоқдалар. Эҳ, бечора ўқитувчилар, бу касбни эгаларига диктатор Каримов кўрсатаётган бундай “ғамхўрлик” учун қанча лаънатласангиз ҳам оздир.

Фурқатбек



Хориж валютаси аҳоли ўртасида айирбошлашни такомиллаштириши ва Ўзбекистон президенти 2013 йилнинг 29 январ куни имзолаган “Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган махсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириши ва товарларнинг мамлакатга ноқонуний олиб кирилишига қарши курашни кучайтиришининг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1913-сонли қарори ҳақида

Амалга тадбиқ этилган валюта сиёсати ва импорт махсулотларини чекловига оид қонунлар ички иқтисодий ва ижтимоий муҳитда кескин ўзгаришга сабаб бўлди. Бу ҳодисага ойдинроқ ва аниқроқ қараш учун йигирма йилдан буён собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистондагина мавжуд бўлган қора бозор ҳақида тўхталсак.

Қора бозорда сўнги йилларгача чет эл валютасини айирбошлашни асосан ҳукумат сунъий унсурлар билан вужудга келтирган эди. Чет эл валютасининг давлат нархидан 1/3 миқдорида фарқ қилиши, банк шахобчаларининг валютани маълум кишиларгагина сотиши барчаси режага кўра бажарилар эди. Орадаги тафовутдан эса банк мутасаддилари, МХХ ва бошқа раҳбарлик билан бир қаторда, шахобчадан валютани олишни ижро этувчи гуруҳлар фойдалар эди. Бу масаланинг иқтисодий тарафи.

Ижтимоий тарафдан эса ҳукуматнинг манфаати қуйидагича эди: сўмнинг қадрсизлиги ва Ўзбекистондан бошқа давлатда муомалага қўйиш ёки айирбошлаш имкониятининг йўқлиги сабаб, аҳоли ўзпулларини олгани тақдирда чет элга чиқиб кетмаслигини таъминлаш, назоратда тутиш эди. Тадбиркорлар ва шу каби хориж валютасига эҳтиёжи борлар эса банк шахобчасидан ололмаслиги ва конвертация тизими ёпиқлиги боис ноилж қора бозордан олар, шу билан, юқорида келтирилганидек, бу аҳвол иқтисодий манфаатга боғланар эди.

Ички махсулотлар аҳоли талаб даражасини қондиришмаслиги, етишмаслиги, сифат даражасининг пастлиги учун импорт махсулотига эҳтиёж каттадир. Қора бозордан устамаси билан олинган хориж валютаси эвазига сотиб олиб, импорт қилинадиган махсулотлар эса, ўз-ўзидан яна-да нархи қимматлашар, бу эса аҳолини боши берк кўчада устма-уст бели букилишига олиб келар эди.

1994 йилдан буён, яъни Ўзбекистон миллий валютаси бўлган Сўм муомалага киритилганидан сал кам йигирма йил ўтгач, валюта сиёсати ва импорт махсулотларини чеклаш ҳақидаги қонун

ишлаб чиқилиб, тез суръатда амалга тадбиқ қилинди. Ундан қуйидагича «ижобий» томонларни кўрсатишади:

- Қора бозор, яъни хориж валютасини банклардан ташқари айланиши бартараф қилинади. Аҳоли тўғридан-тўғри банклар билан муомалада бўлади.

- Ички бозор ички ишлаб чиқариш махсулотдан тўйинади, ишлаб чиқариш жадаллашади, такомиллашади ва рақобатбардош бўлади.

Талаб даражасидаги махсулотларнинг экспорти эвазига мамлакатга валюта оқими вужудга келади.

пахта, ғалла, мева-сабзавотлар экспорти, қазилма бойлик ва нефть махсулотларидан келувчи даромадлар исиз йўқ бўлгач, солиқ тушумлари бюжетни қоплай олмайди, бюжет танқислиги, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари тўлов муддати келгач эса, давлат ўз қарзларини аҳолининг банклардаги омонат маблағларидан тўлайди.

Аҳоли маблағлари қисмида бўшлиқ вужудга келади, халқ эса карточка ёки банкдаги рақамлар билан алданиб юради.

Аслида эса, русча жаргон билан айтилса, унинг асоси — «воздух».

1913-ҚАРОР. ЯҚИНДА МХХ ПУЛ ИЗЛАБ УЙЛАРГА ҲУЖУМ ҚИЛСА, АЖАБЛАНМАНГ

- Харидор-банк-сотувчи тизими мўътадиллашади. Солиқлар, даромадлар ва бюжет яхшиланади.

Шу билан бирга бошқа бир қатор ютуқларга жорий қилинган қонун сабабли эришиш мумкин.

Аммо... сохта сўзлар ва ёлғон ахборотлар устига бунёд қилинган бу давлатнинг ҳукумат вакиллари ва ходимлари туни билан мижжа қоқмай халқ равнақи ва фаровонлиги учун бош қотираётгани йўқ, аксинча халқни мутеъ қилишга урунишмоқда. Уларнинг иш услуби ва сиёсати бир қадам олдинга ва беш қадам орқага дегани кабилдир. Игнадек ижобий томонини бўрттириб, ҳодадек салбий томонини кўз остига беркитишга уринашади.

Яъни... Аввало валюта сиёсатининг салбий томонлари:

- Аҳоли барча валюта маблағларини банкларда сақлашга мажбур бўлади. Бу билан давлат кимнинг моддий ҳолати қандай ва харж миқдори ва ерини назорат қила олади.

- Бу маблағлар шунчаки компьютердаги рақамлардагина акс этади, холос. Пул массасидан эса биргина давлат фойдаланади ва истаган вақтида дефицит ёки кризис дея эълон қила олади.

- Бугунги кунда барқарор бўлмаган Ўзбекистондаги иқтисодий вазият шу аҳволга келтирилганки, фуқролар истаси-истамаса хато ёки қонунбузарликка қўл уришга мажбур бўлади. Бу ҳолатда эса давлат осонликча банк ҳисобларини музлатиб, маблағни мусодара қила олади.

- Банклардан фақатгина ҳар уч ойда бир маротаба ва 2000 АҚШ доллари миқдорида олиниши ва 100 доллар миқдоридан харажатларга сарф қилишга қўйилган чеклов аҳолини хориж давлатларига чиқиб кетишининг олдини олади.

- Аҳолининг қўлида мавжуд бўлган пуллари йиғиб олиш фалажлантирилади, сабаби:

а) пул ўтказувчи халқаро тизимлар чеклангани ва назоратга олингани;

б) аҳоли уйда фақатгина сақлаши мумкин бўлган максимал миқдор 2000 АҚШ доллари эканлиги;

с) божхоналардан фақатгина олиб ўтишга рухсат берилган максимал миқдор 2000 АҚШ доллари эканлиги.

Бу унсурлар сабабли яқин бир йил давомида юзага келадиган энг биринчи хатар — бу халқ мулки бўлган, аммо ҳукумат тизими томонидан ўзлаштирилаётган

Бу бўшлиқ фош бўлмаслиги учун ички бозордаги айланма билан айланишга мажбур қилади. Шу билан жараённи мўътадиллаштиришга уринади. Бу эса импорт махсулотларини чеклашга оид қонун билан боғланади.

Ички бозорга импорт қилинувчи махсулотларнинг чеклашдан юзага келадиган вазиятлар эса қуйидагича:

- ишлаб чиқарувчилар хом ашё, ишчилар, коммунал тўловлар каби сарфлардан ташқари кўзда тутилмаган назоратчи санитар ходимлари, прокуратура қошидаги департамент, солиқ ходимлари, участка нозирлари каби кишиларга харажатни қоплаш мақсадида ва рақобатни енгиш учун аҳоли талабига кўра арзонроқ махсулот ишлаб чиқаришга уринади, бу эса сифат даражасини пасайтиради ва аҳолининг соғлиғига, турмуш даражасига салбий таъсир қилади;

-озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа маиший махсулотлар харидорлари ўртасида табақаланиш кучаяди. Яъни амалдор, зодагон ва бойлар импорт махсулотларидан, аҳолининг асосий қисмини ташкил қилувчи фуқаролар эса савияси ва сифати паст ички махсулотдан фойдаланади;

-импорт махсулотларини ички бозорга олиб киришда монополия вужудга келади;

-сифатли ва арзон махсулотлар ишлаб чиқарувчилар аҳолини талабига мувофиқ махсулот чиқаришда бўғиқ қонунни четлашга тўғри келади. Бу эса текширувлар сабабидан давлатга мусодара қилинади.

Буларнинг оқибатида иқтисод ботқоққа ботади, аҳолининг касалланиши, ҳаробланиши, фақирлашиши истеъмолнинг ночорланишига олиб келади.

Жараённинг оқибатини тушуниб, тегишли хулоса чиқарган ва қутилиши муқаррар бўлган вазиятни кўра олганлар хориж валютасидаги пул маблағларини уйда яширишга уринади. Бироқ бу ҳам ечим эмас: сиёсати ва иқтисоди барқарор бўлмаган бу юртдаги шу вақтгача бозорлардан талон-тарож қилган қора маскали Миллий Хавсизлик Хизмати номли мафия, яқин кунларда аҳолининг уйларига яширилган пуллар учун ҳужум уюштирса ажабланманг.

БУЗУҚ ХОТИН, ҲИНАШИ ВА МУШУҚ, ЁХУД АФАДИНИНГ ЮСУФ ЖУМАГА САВОЛЛАРИ — 2 — ЧИ МАҚОЛА

Латифа-қисса: Афанди эрталаб дўкандан икки кило гўшт олиб келиб Хотинига берибди, кечкурун лаззатли бир таом тайёрлаб қўйишни тайинлаб ишга кетибди. Хотин бузук экан, Афанди ишга кетишини пойлаб Ҳинаши унинг олдига келиб турар экан. Ҳинаши ҳам Афанди кириб келибди, Хотин унга халиги гўштни едириб-ичириб, у билан маишат килибди. Кечкурун Афанди келса козон куп-курук эмиш. “Овкат кани?” деб сўраса, Хотин: “Мушук еб қўйибди” деб жавоб берибди. Уй Мушуги хонада ухлаб ётган экан. Афанди дарров уни олиб тарозуга қўйса икки кило чиқибди. Афанди Хотинидан сўрабди: “Бу Мушук бўлса гўшт кани, агар бу гўшт бўлса Мушук қани?”.

Мазкур латифа-қиссада “Мушук” ва “Гўшт” (хар бири икки килодан) бири-бирига қарама-қарши унсурлардир. Буни эслаб қолинг — ушбу мақолани ўқиш давомида бу қарама-қаршилик яна юзага чиқади.

Мен “Юсуф Жума Абдурахим Пўлатовнинг ўрта бармоғига кийдирилган ҳолда Ҳинатилмоқда” номли 1-чи мақолада Юсуф Жуманинг қатта ўғли Алишернинг таркатган ушбу хатини келтирган эдим. Муҳтарам ўқувчи диққатига мазкур хатни яна бир марта келтирмоқчиман:

G'irt bo'xton

Abdurahim Po'latning “Harakat” saytida e'lon qilgan, Yusuf Juma Washingtonda uchrashuvlar o'tkazdi, muxolifatchilikka da'vo qilayotgan o'zbeklarning uyida bo'ldi”, degan maqolasi haqida.

Abdurahim Po'latning maqolasida aytgan, barcha ma'lumotlari g'irt yolg'on:

1. Yusuf Juma, Washingtonga faqat shaxsiy ishlari bilan bordi. O'zbekiston va muholifat haqida, hech kim bilan, hech qanday suhbat qilmagan.

2. Yusuf Juma Abdurahim po'latning uyiga, uning ukasi Abdumannop Po'latov vafoti munosabati bilan ta'ziya bildirish uchun borgan xolos. Taziya borib ham, tuxmatga qolishini bilganida, hatto ta'ziyaga ham bormagan bo'lardi.

Abdurahim Po'latning maqolasi tuxmatligini, Jahongir Muhammad ham tasdiqlashi shubhasiz. Chunki Yusuf Juma, Jahongir Muhammadning uyida bo'lmagan, hatto Jahongir Muhammadning Yusuf Juma Washingtonga borganidan xabari ham yo'q.

Abdurahim Po'latning maqolasini o'qigan Yusuf Juma bundan so'ng Abdurahim Po'lat bilan mutlaqo gaplashmasligini, bunday kimsalarning to'yi- oshiga hech qachon bormaganligini, bundan keyin bunday kimsalarning ta'ziyasiga ham bormasligini bildirdi!

O'zini muxolifat peshvosi, deb bilgan, o'zini hammadan dono, deb bilgan, Abdurahim Po'latning bu tubanligidan jirkangan Yusuf Juma, o'zining

o'zbekligidan or qilishi to'g'ri ekanligiga yana bir karra amin bo'ldi.

Alisher Yusufjon o'g'li,
12 iyun, 11

Этибор беринг. Бу хат 2011 йилнинг 12 июнида ёзилган, салкам ўн тўққиз ярим ойдан кейин, яъни 2013 йил 24 январь куни Юсуф Жума Абдурахим Пўлатовнинг www.harakat.net сайтида мен ҳақимда “Беш карра беш йигирма беш (Ёхуд Мунофиқлар чилласига кирган мунофиқларнинг Бош Прокурорининг ва мустабиднинг адвокатининг Терророна тухматларига жавоб)” номли, икки қисмдан иборат баҳайбат мақола чоп этди. Мақола номидан у мени қам эмас, кўп эмас — “Мунофиқларнинг Бош Прокурори ва мустабиднинг адвокати” деб атаган. Тишни тишга қўйиб мақоланинг хар икки қисмини ўқиб чиқсангиз, Юсуф Жума Абдурахимнинг бир “жойига” қалин қилиб пахта қўйганига амин бўласиз.

Бошқача айтганда, Юсуф Жуманинг Абдурахимга муносабати ўн тўққиз ярим ой мобайнида 180 даражага ўзгарибди: Абдурахимдан жирканиш, у билан мутлақо гаплашмаслик, ўлса ҳатто таъзиясига ҳам бормаслик муҳаббат ва вафодорликка айланибди. Икки қарама-қарши унсур: бири — ўт (олов) билан сув, иккинчиси — ит билан одам! Биринчисида: ўт ва сув ҳеч қачон бири-бири билан келиша олмайди; иккинчисида: ит йирткич бўлса-да, аммо эгасига вафодор — ё келиб эгасига суйкалади, ё оёғининг тагига ётади.

Ит қутурган пайтдагина эгасига ҳам, бегонага ҳам бирдай ташланиши мумкин. 2011 йилда Юсуф қутурган бўлганмикин-а? У дафатан Муҳаммад Солиҳга ташланиб қолганда баъзилар: “Нима бало, Юсуф Жума қутурганми?” дейишганини эшитганман. Демак, ўша пайтда у қутуриши натижасида Абдурахим ва Муҳаммадсолиҳ бири-бирига душман эканини ҳам сезмасдан иккаласини ҳам қопаверганмикин? Энди, 2013 йилнинг бошида, Абдурахимга муҳаббат ва итникидек вафодорлик кўзи билан қараб мени қолишга ташланганига қараганда Юсуфнинг қутуриши тўхтабди, бироқ асорати қолибди: Абдурахим “Худақуш, бос!” деб мени кўрсатган экан, шекилли, менга ташланиб қолди.

Латифа-қиссадан хисса: Афандининг Юсуф Жумага саволи: Ҳой, Юсуф! Ўғлинг Алишернинг 2011 йил 12 июнда ёзилган хатидагилар тўғри бўлса, 2013 йил 24 январь куни www.harakat.йўк сайтида ёзганларинг қани? Агар 2013 йил 24 январь куни www.harakat.йўк сайтида ёзганларинг тўғри бўлса, у ҳолда ўғлинг Алишер хатида эълон қилган Абдурахимга нисбатан жирканишининг, у маҳлуқ билан мутлақо гаплашмаслигининг ва ҳатто жанозасига ҳам бормаслигининг қани? Ниманинг ҳисобига у ифлос-



нинг оёғи остига ётиб олишни маъқул кўрдинг? У шарлатан омбур билан бирор нозик жойингни қисиб олдимми? Оғриябдимми? Жасликдаги кийноқлар АҚШга кўчдимми?

Юқориди ёзганимдай, Юсуф мени “Мунофиқларнинг Бош Прокурори ва мустабиднинг адвокати” деб атабди. Унинг “томи кетмаган” бўлса, “мунофиқ”, “бош прокурор”, “мустабид” ва “адвокат” атамаларининг маъносини тушунган ҳолда ёзиши лозим эди. Дили Исломга қарши бўлса-да, бироқ ўзини мусулмон одамдай кўрсатиб, Исломнинг барча руқнларини бажариб юрадиган (номоз ўқийдиган, рўза тутадиган ва ҳ.) кофир банда Ислом динида “мунофиқ” дейилади. Айтишларича, Худони умуман танимайдиган ва тан олмайдиган кофир бандадан мунофиқ ёмонроқ бўлиб, шунинг учун ҳам мунофиқларнинг жойи дўзахнинг тубида экан. Мунофиқнинг уч белгиси ҳақида мен уламолардан эшитганман. Улар: 1) гапирса ёлгон гапирди; 2) ваъда қилса бажармайди; 3) омонатга хиёнат қилади. Ўзбекистонда “мустабид” деганда кўпчилик И.Каримов ва у ташкил этган сиёсий тузумни тушуниб бўлди. “Бош прокурор”, одатда, давлат қонунлари мамлакатда бажарилма-бажарилмаслигини назорат қилувчи, “адвокат” эса бирор шахс ёки ташкилотнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс сифатида тушунилади.

Бечора Юсуф Жума! У 5-6 та машина, 10 тача трактор, юзлаб гектар ер, қошона иккиқаватли уй, 300 дан ортик қорамол, мингдан ортик қўй, ўн миллионлаб сўм пулни Ўзбекистон шароитида фақат МУНОФИҚЛИК билан топганини битта мен эмас, юзлаб одамлар билади. Қоракўлликлар, жумладан ўзи ва болалари туғилиб-ўсган Хирс қишлоғи аҳолиси айниқас яхши билишади. Давлат мулозимлари, аввало МХХ ходимлари, улар орқали эса Абдурахим ҳам буни яхши билади. Бу шоир-ачиганқалла ва унинг хўжайини ҳали тарих ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйишни кўз олдида келтираётганлари ҳам йўқ. Бу ачиганқалла америкаликлар ғайрат қилиб, уни қамоқдан чиқариб олиб, АҚШга олиб кетгани “менинг номим тарихда И.Каримов тузумига қарши шиддат билан курашган инсон сифатида қолиши учун етарли” деб ўйласа керак.

(Давоми кейинги саҳифада)

Бугун жуда хурсандман!

Кахратон киш совуғидан қалтираб эрталаб тургим ҳам келмай соат 9гача мудраб ётдим, бир вақт кўча эшигимни тақиллаши мени чўчитиб уйғотди. Уфф... яна текширувчилар келди шекили, эшикни беҳурмат тақиллатишаяпти, йук газни, электр чироғини текширгани текширган, жонга теғди, деган хаёл билан чиқсам, салобатли беш-олти одамлар ва маҳалла вакили, ҳалиги бору, эчки соқол, русчасига козёл дейишади, маҳаллани қулоғи, сотқин турибди. Ҳаммаси семиз-семиз, кўрқиб кетдим.

«Мен бир кичкина одам бўлсам, намунча бунақанги кишилар ташриф буюрдийкин» десам бири олдимга келиб жуда қуюқ сўрашди, оркаси дан наригиси кучоқлаб олғудай барча кариндош уруғларимни соғлиғига сўради, ҳаммаси сертавозе нима килишимни билмай колдим.

Бири шундай гап бошлади:

-Ака энди сизнинг уйингизда газ ҳам, чирок ҳам ўчмайди, ўчса ман кафилман, манга телефон килинг, босим ўлчачиқ ўрнатиб бераман, маълум босимдан пастга тушиб кетса манга телефон киласиз. Наригиси ҳам гапга қўшилди:

-Чироғингиз 75 эмас, 500 вольт ёнади, ман кафолат бераман.

Ҳаммаси катта катта ваъдалар беришди. Каттароғи нарироқда турган малайларига буйруқ бера бошлади:

-Бу акахонга тезда махсус ҳисоблагич-ларни ўрнатинглар, газга, электрга, сувга. Сал туриб усталар ёпирилиб кела бошлади, бири газ ҳисоблагичини алмаштирса, наригиси сув ҳисоблагичига ёпишди бошқаси эса электр ҳисоблагичини алмаштиришга тушди, ҳамма ҳисоблагичлар одатдагидан бошқача, махсус белгилари бор экан. Мен эса хайрон бўлиб туравердим. Ҳаммалари менга яна тавозе килиб ҳурмат билан хайрлашишди.

Уйда ўзимиз колдик. Газни ёқиш хаёлимга келди, бориб ёқсам, шунақа шиддат билан ёна бошладиким трубалар ёрилиб кетай деди, уйлари иситиб, хотиним билан паловларни пиширдик, шунакаям рохат-ки асти қўяверасиз. Сув кранини очсам шунақа тиниқ сув кела бошлади, қайнатмасдан, тиндирмасдан ҳам ичаверасиз. Уйимдаги юзли чирок куёш каби порлаб ёнапти.

-Энди ҳеч қанақа муаммо қолмади хотин, дедим эски кастюмининг ёқасини қоқиб.

-Булар ўзи нега сизга бунақа лаганбардорлик қилаяпти ўзи, бир сирингиз борга ўхшайди, ўзи бир киракаш булсангиз, у ер бу ерни каттаси бўлмасангиз...

-Хе... Хотиним ўзим ҳам лол қолиб турибман. Бир гапи бор буларнинг. Оддий одамга мустақил бўлганимиздан бери ҳали бир яхшилик қилмаган бу давлат, даб дурустан бир шофёрга, киракашга яхшилик қилармиди?

Шу вақт эшик қўпол тақиллаб колди, очсам почтачи турибди, тўқсон ёшли қари онамни нафақасини олиб келибди, оркасида навқари бор, электрчи, газчи, сувчи...

ШИРИН ТУШ

-пенса обкелдим сув, газ, светти книжқасини обқиқинга

-карзиммиз йққ ку -дедим жаҳлим чиқиб.

-бари бир тўлашинглар керак, мажбурсила. Агар тўламасангиз пенса йук деди почтачи.

-кириб ҳисоблагичларни қаранглар, агар қарзимиз бўлса тўлаймиз, лекин кампирни пенсиясини беришинглар керак-дедим.

Газчи мени суриб уйга кириб газ ҳисоблагич олдига, светчи ўзини ҳисоблагичини олдига, сувчи сув кранини олдига ўтган ой текширишганига қарамай ёпирилиб киришди ҳаммалари турган жойларида қотиб қолишди. Бир вақт газчига сал жон киргандай бўлди, мени кўзимга қарай олмай дудуқланиб гап бошлади: -А... А... Аккаа ме-ни кеч-чиринг энди сизни ҳеччам текширмайман, мени ишдан бўшатиб юборишмасин, илтимос мени кеччиринг илтимос-дея ялина бошлади, электрчи ҳам шу ахволда ўтириб куйган ёш боладай, сувчи эса жуда ҳам сертавозе муомала билан мен билан қуюқ пишиқ хайрлашишди. Афтидан махсус ўрнатилган белгилари ҳисоблагичларни кўриб қайфлари учиб кетди,

таъмагирликлари лаганбардорликка айланди, тум тарақай кочишди. Почтачи билан яккама-якка қолдик. Шерикларининг ахволини кўриб у ҳам тезда нафақа пулини санашга тушди ва тийинига қолдирмай чиқиб келган онамнинг қўлига топширди, ҳар сафарги таъмагирлик қилиши эсидан чиқиб, онам бераётган икки минг сўм пулни аввалгидай менсимай онамни карзи бордай қўлидан тортиб олиш ўрнига жуфтакни ростлади...

-Болам буларга нима бўлди, ҳаммаси сан билан яхши гаплашадиган бўлиб копти, пулниям олмай кеттиядеди онам хайрон бўлиб.

-Хе... Онажон эрталабдан бери худди эртақда яшагандай яшаймиз, булар жуда ғамхур бўлиб қолишган...

Бир вақт кўча эшигимни тақиллаши мени чўчитиб уйғотди. Қураётган ширин тушим оғушидан ширакайф эдим...

Уфф... яна текширувчилар келди шекили, эшикни беҳурмат тақиллатишаяпти, йук газни, электр чироғини текширгани текширган, жонга теғди, деган хаёл билан чиқсам, салобатли беш-олти одамлар ва маҳалла вакили, ҳалиги бору, эчки соқол, русчасига козёл дейишади...

УХХ сайтга Qudratbek

БУЗУҚ ХОТИН, ЎЙНАШИ ВА МУШУҚ, ЁХУД АФАНДИНИНГ ЮСУФ ЖУМАГА САВОЛЛАРИ — 2 — ЧИ МАҚОЛА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тарих ва одамлар сен ачиганкаладан беҳисоб марта ақллироқдир – билиб қўй! И.Каримов тузуми ҳам, унга хизмат қилаётган Абдурахимга ўхшаганлар ҳам, халқни зулукдек сўриб ётган шу тузум мулозимларини сен каби соғиб бойлик орттирганлар ҳам ҳали тарихда ўзининг ҳақиқий баҳосини топажак!

Менинг Ўзбекистон ичи ва ташқарисидаги фаолиятимни тарих қандай баҳолашини билмайман. Менинг 1989 йилдан 1997 йилгача бери ёзган мақолаларимнинг бир қисми компьютер бўлмаганлиги сабабли сақланмаган [машинкада ёзилган баъзи мақолаларимни балки кимлардир сақлаб қўйгандир]. Бироқ 97-чи йилдан кейин рус ва ўзбек тилларида шахсан мен томонимдан ёзилган минглаб билдиришнома, мурожаат, доклад, мақола, баёнот, хат, ариза ва бошқа ҳужжатлар турли интернет сайтларда сақланиб турибди. Буюк рус тарихчиси В.О.Ключевский: “Дунёда яхши одамлар кам деб арзу-надомат қилиш керак эмас, уларнинг борлиги учун Яратганга ҳамду-сано айтиш керак” деганидек, менинг хизматларимни яхши одамлар юзага чиқаришларига мен ишонаман.

Ёшлиқдан инвалид (жисмоний ногирон) бўлишимга қарамасдан мен судларда, президент маҳкамаси, прокуратура, милиция, МХХ идораларида Водийдан то Қорақалпоғистонгача, ва ҳатто чет элларда юрган қатор ватандошларни беғараз ҳимоя қилганман. 1998-99 йиллари “Қамолот” жамғармаси ёрдамида Дунё тиллари университети ва бошқа университетларни битирган ёки бити-

риш арафасида бўлган бир неча ёшлар, шу жумладан Абдуллаев Фаррух Аюбжонович, Юсупов Бехзод Бахтиёрович, Зокиров Эркинжон Обиджонович, Самадов Исмоил Абдухамидович, Мўминов Отабек Нуриддинович инглиз тили бўйича билимларини чуқурлаштириш проектига асосан АҚШга юборилганлар. Ўқишни тугатгач бу йигитлар АҚШда ишлай бошлаганлар.

2001-2002 йилларда Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров ва ИИВ Тергов бўлими майори Н.Бегманов АҚШда ишда қолган бир неча йигит устидан терроризмда айблаб жиноий иш қўзғатишган. Юқорида исми-шарифлари келтирилган йигитлар Ўзбекистонга экстрадиция қилиш учун қамоққа олинган. Уларнинг бир неча ўртоқлари ёрдам истаб Абдурахим Пўлатовнинг уйига боришган, бироқ “Бирлик” халқ ҳаракатининг ғазабланган раиси улар қувиб юборган. Бехзод Юсуповнинг ота-онаси менинг уйимга келиб муаммони гапириб беришди. Мен АҚШ Адлия вазири Жон Эшкрофт ва Human Rights Watch ташкилоти раҳбари номига хат ёздим. Қамалганларнинг тўрттаси озодликка чиқишди, қамоқда қолган иккитасининг тақдири менга маълум эмас. Турли вақтларда мен ҳимоя қилган ватандошларимиз Голландия, Буюкбритания, Канада ва бошқа мамлакатларда тинч-омонликда яшашмоқда.

Иккита ачинадиган жойим бор: ўз вақтида мен икки ифлос – Абдурахим ва Юсуфни ўнлаб жойларда жон-жаҳдим билан ҳимоя қилганман. Энди афсусланаман.

Толиб Ёқубов

Ҳақ Субҳануху ва Таола, ўз иродаси билан, Одом(ас) авлодини миллат қилиб, давлатларга бирлаштирди. Ҳар бир одамни, ўз тақдири билан яратган Аллоҳ, давлатларни ҳам ўз тақдири билан яратти. Утган салтанатлар, инсониятнинг кейинги жамиятлари учун, ибратли собоқлар қолдирган. Жумладан, Рим империяси, Хоразм империяси, Қизил(СССР) империя... ва ҳақозо.

КАТТА СИЁСАТ САБОҚЛАРИ

Тарихдан маълумки, Рим империяси, қуллар ва қулдорлар муносабти устига қурилган жамият эди. Жамиятда, инсон қадрини, кенг ўрганувчи фундаментал илм, мавжуд бўлмаган. Шунинг учун ҳам, жамиятда адолат, ўз ечимини фақат, тасоддифий равшда топган. Бугун, ҳеч бир давлатда, қулдорлик муносабатларининг жорий қилиниши, мумкин эмас.

Мамлакатимиз амалдорлари, ўз трикчиликига интилиб яшайтган халқимиздан кўпроқ фойда ундуриш мақсадида, жамиятида, қисман қулдорлик тузими элементларини йўга қўйилган. Давлатимиз амалдорлари, жамиятни тамом қулдорлик тузимига айлантиришга ҳам қарши эмаслар.

Лекин, ишлаб чиқаришдаги, технологик муносабатлар ва жамиятдаги қулдорлик муносабатлари, бир бирига кўп тўғри келаярмайди. Ишлаб чиқаришдаги мавжуд технологик жараён, амалдорга катта даромад келтираяпти.

Тарихдан маълумки Ирод, Нерон ва А.Гитлер каби диктаторлар, ўз мамлакатларини, қотилликлар билан бошқорганлар.

Ирод эрамизгача, Исо(ас)нинг таваллудигача, Яхудияга(Иудея) ҳукумронлик қилган. Унинг ҳукумронлиги даврида, тахтни бошқа биров эгалламади учун, гўдакларни бўғизлатди, сеvimли хотинини тошбўрон қилдирди, ўғлини қатл қилдирди. Қайнонасини ўлдиришга бюруқ берди. Ирод, ёзликда ва азобли ўлим билан, фоний дунёдан ўтиб кетди.

Нерон, Қадимги Рим императори, мамлакатда насронийлар динининг тарқалишига йўл қўймаслик учун, уларни жазолади. Рим шаҳарида, катта ёнғиннинг чиқиши сабабларига, насронийлар айбдор деб топиб, уларни ўн минглаб томошабинлар кўз унгида, махсус амфитеатрда, шерлар галасига триклайн ем қилди.

Ўзи бу “тамоша”дан завқ олди. Халқ ғазабидн кўрққан тенгсиз қонхўр, миллоднинг 63 –йилида, ўзига пичоқ уриб, ўзини ўлдиришга мажбур бўлди.

Истефодаги ҳарбий ва халқ ёқтирган нотқ А.Гитлер, 1932-йилларда, Германия ҳокимиятига, равон ва тантанали равшда кириб келди.

У, жорий қилган идеология, мамлакат иқтисодига катта таъсир кўрсатиб, уни ривожлантирди. А.Гитлер, инсонларни бир сафда, бир фқирда ва бир шаклда(немислар мисолида) бўлишини амалга ошириш учун, фашизм идеясини вжудга келтирди.

Фашизм идеяси, иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқишига сабабчи бўлди.



Уруш 60 миллиондан кўпроқ инсонларнинг жонига завоқ бўлди. Аллоҳ, миллатларни бир бировимизни ўлдириш учун эмас, ўрганишимиз ва илм учун яратти. Иккинчи жаҳон уришидан кейин, миллатлар ўз ўрнида қолди, фашизм мағлуб бўлди. А.Гитлер эса, ўз жонига қасд қилди. 10-13асрларда, Хоразм давлатчилиги, Ислому таълимоти асосида, вжудга келди. Мамлакатда иқтисод, илм, маърифат ва мданият юксакларга кўтарилди. Хоразм давлатчилигининг, у даврдаги бошқарув инфраструктураси, бугунги демократик мамлакатлар бошқарув системасининг асосидаги илмдир.

Замонининг энг қудратли армиясига эга бўлган, Хоразм давлати, 1220 йили, Чингиз хан истилосига бардош бераолмади. Чунки, кутилмаганда, айрим сарой аҳлининг маънавий камчилиги яни, ошно оғоингарчилик ва диспотизмнинг ярамас кучи, катта сиёсатга, таъсир қилди. Натижада, иқтисодий ва ижтимоий, кенг ривожланган Хоразм мамлакати, ўз ниҳоясини топди.

Худосизлик идеологиясини “илоҳийлаштирган”, рус миллатини, бошқа миллатлардан устун қўйган коммунизм яни, Қизил империя(СССР), 70 йил умир кўрди. Шармандали ва ҳақли равшда, 1991йили узил кесил қулади. Коммунистлар тамонидан бизга “ўрناق” қилиб кўрсатилган “улуғ рус халқи” бугунги кунда, кичик эгзотик миллатга айланаяпти. Бугунги Русия, дунё иқтисодий харитасида, ниҳоятда кўз илғамас оч ранга эга бўлиб қолмоқда.

Тарих шуни таъкидлаяптики, инсонлар жамиятига берахим диктатура, на фақат давлатчиликни қуларат экан.

У, ўз эгасининг, бошини ҳам ер экан.

Ислому цивилизацияси ривожига катта улуш қўшган элимизда, ҳеч бир вақт, коммунизм идеясига эҳтиёж бўлмаган. Аллоҳ, бизни коммунизм офати билан ҳам синади. 70 йил давомида, Ал Бухорий элида, унинг авлодларига Исломуни, эскилик сарқитлари деб ўқитдилар. Қадриятлар майшайди, лекин синмади. Яратганнинг инояти билан, бардошли халқимиз, бу синовдан ҳам, ўз динини тамом йўқатмасдан ва қонсиз мустақилликка ўтиб олди.

Мустақиллик арафасида, ўзлгидан узоклаштирилган миллатимиз, катта ўзгаришлар йўлагига танҳо ва ночор эди. Мамлакат раҳбарияти, бир кунда, коммунист деган кечаги “бююк” атамасини, бугун “демократ” деган ном билан алмаштирдилар. Айёр ва мунофиқ коммунистлар, ўз бошларига тушган балодан кутулиш учун, Москванинг астойдил ёрдами билан, давлат бошқарув ишларда яна ўзлари ўтириб олдилар. Ўзларига хос ва ўзларига мос кадрларни танладилар. Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистонни, Москва жорий қилган коммунист наменклатура, бошқариб кетаверди. Каримов ибораси билан айтганда, вазият “эски тоз, эски ҳаммом”га айланди. Демократик кучлар, жумладан ЭРК ДПартияси қаттиқ сиқув остига олиниб, фаоллари қамоққа ташланди. Демократия лидерларининг кўпчилиги, чет элларга чиқиб ктишга мажбур бўлдилар.

Мана, чорак аср-ки, Ўзбекистон халқи, диктатор Каримов зуғуми остида кун кечираяпти. Тарихдаги ҳеч бир диктатураларга ўхшамаган бу тизим, коммунизм ғояларинг хороболари устида, қайта ташкил бўлди. Бошқарув, бюруқбозлик принципларида, идеология, инсонга сажда қилиш принципларида қолиб кетаверди.

Тараққиёти тўғрисида, мутлақо бош қотирилмаятган жамият, ўз эгаларини ҳам инкор қиладиган ҳолатга келди. Мамлакатнинг бошқарув структурасида, ўзоро боғлиқлик йўқолган. Давлатчилик ривожини қодаларидан беҳабар амалдор, саросимода. Юрт “боши” Каримов, мамлакатдаги ижтимоий муоммоларни, муштининг зўрлиги билан ечишга ўрганган. Лекин, у бугунги вазиятни, бу зўрлик билан ечаолмайди. Мамлакатдаги ижтимоий вазият, Каримов диктатурасини сўзсиз ҳалокатга дучор қилади.

Бўлажак, ижтимоий ўзгаришлар учун, дуога қўл кўтарайлик. ЭЙ, ЯРАТГАН ЭГАМ, ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ПАНОХИНГДА АСРАГАЙСАН. ЗОЛИМЛАРГА ИНСОФ БЕРГАЙСАН. ХАЛҚИМИЗНИ, ЗОЛИМ ПОДШОДАН ХАЛОС ҚИЛИБ, ОДИЛ ПОДШОГА МУЯССАР ҚИЛГАЙСАН. ОМИН.

Джуманиязов Нураддин

Одагда ўғрилар ўз уйлари-нинг эшикларига “Эҳтиёт бўлинг, копагон ит бор”, деб ёзиб қўядилар. Шунингдек, улар кўппакларини уйларига биров яқинлашиши билан вов- вовлашга ҳам ўргатадилар...

Ўзбекистонда энг катта ўғри диктатор Каримов ва оила-си эканлиги маълум. Аммо бу ўғрибошининг итларини ҳамма ҳам танайди.

ИТЛАР НЕГА ҲУРАДИ?

Масалан, Ризо Обид ва унинг сайти “Замондош”нинг ушбу диктаторнинг кўппаги ролини ўйнашини баъзилар тахмин қилиши мумкин, аммо буни аниқ билиб олиш учун бугун бу сайтда босилган икки мақолани ўқиш кифоядир. Ўзбек ва рус тилида чоп этилган бу икки мақоладан МХХ нинг бармоғини дарров таниб олиш мумкин. Афтидан ЎХХнинг охири зарбалари нишонга аниқ теккан ва ўғрибошининг тахтига муҳолифларнинг яқинлашганини унинг кўппаклари сезган шекилли, дарров жон- жаҳдлари билан хуришни бошлаб юборганлар...

Мен бу мақолаларнинг “мазмунига” агрофлича тўхталмоқчи эмасман. Зотан, уларнинг мазмуни диктаторнинг итларининг оғзидан атрофга сочилаётган кўпиклар каби маъносиздир. Қисқа айтадиган бўлсам, ўзбек тилида ёзилган “Барча, барчага,” дея номланган “баёног”да ЎХХ раҳбарлари муртадликда, яъни диндан чиққанликда айбланганлар. Бу “баёног”ни МХХ агенти ёзганлиги илк сатрлардан кўзга ташланади: “Бисмиллахи роҳмани роҳим”, дея бошланган матнда кўппакларнинг томоғидан чиқадиغان “хириллашларни ифодалайдиган “х” харфлари ишлатилган. Кейинги жумлада эса “Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ...”, дейилган, яъни ўзбек тилидаги “Ассалому” ва мусулмонлар саломлашганда айтадиганлари “баракатуҳу” сўзлари ҳам нотўғри ёзилган. Яъни, бу “баёног”ни мўмин мусулмон киши эмас, МХХ нинг чаласавод ходими ёзган. Диктаторнинг кўппаги Ризо Обид (бу тубан шахснинг Ўзбекистон МХХ агенти эканлиги ҳақида бизда аниқ далиллар бор) эса “юқоридан” хато ўтмайди, дея ўйлаган шекилли, матни текширмасдан сайтга жойлаштирган. Ушбу матн гўё мужоҳидлар номидан ёзилган, бу билан ватанимизда ва хорижда яшаётган мусулмон биродарларимизни ЎХХ га қарши қўйиш мақсад қилиб олинган. Ҳолбуки, халқимизнинг барча вакиллари ЎХХ раҳбарияти ва аъзоларининг асосий қисми (халқимизнинг асосий қисми каби) мусулмонлардан иборат эканлигини яхши биладилар. Ҳаракатимиз олға сураётган кадрятлар орасида халқимизнинг эътиқодий кадрятлари ҳам ўрин олгани жамоатчиликка яхши маълум. Жумладан, Ўзбекистон мустақиллиги арафасида раҳбариятимиз тарафидан эълон қилинган ҳужжатда шундай дейилади:

“7.Маълумки Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилади.

ЎХХ Ислом динини ўрганиш ва тараққий қилдиришнинг мўътадил йўли тарафдоридир. Диний маърифат (яъни Исломни ўрганиш) ва мусулмонларнинг ўзаро иттифоқи эришиш бу соҳадаги устувор вазифа ўрнида кўрилади. Ушбу мўътадиллик йўлини ҳаётга тадбиқ қилишни мувофиқлаштириш ва

ҳукуматга амалий тавсияларда бўлиш учун бу соҳада мутахассисликка эришган кишилар, яъни уламоларнинг Кенгаши тузилади. Бу Кенгаш янги ҳукумат билан ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади. Дин масаласидаги барча ихтилофлар ва тушунмовчиликлар мана шу Кенгашнинг тавсиясига кўра ҳукуматнинг амалий тадбирлари билан ечимга боғланади. Кишиларнинг ўзлари истаган шаклда диний жамоалар ва ҳаракатлар тузиб олишига, бу орқали мусулмонлар орасида ихтилоф ва жанжал чиқаришларига имкон берилмайди. Дин масаласида ҳаддан охиш, мазаҳпарастлик, бидъатчилик, жамоатпарастлик муаммоларини ечимга боғлашда Уламолар Кенгашининг қарори асос сифатида кўрилади. (<http://www.uzxalqharakati.com/archives/12935>)”.

Демак, ЎХХ ватанимизда Ислом динининг ўрта, мўътадил шаклда тараққий қилиши тарафдоридир. Бу йўлда қилинадиган аввалги иш сифатида исломий маърифат ва мусулмонларнинг ўзаро иттифоқини мақсад қилиб олганмиз. Мана шундай аниқ ва мўътадил диний сиёсатга эга бўлган, қолаверса, ўзлари ҳам мусулмонлар сифатида динимизнинг фарз ва вожибларини кундалик ҳаётда бажариб келаётган эътиқодли инсонларга “муртад”, дейиш учун камида диктатор Каримовга кўппаклик қилиш “мақоми” билан фахрландиган МХХ агенти, жумладан, Ризо Обид каби тубан кимса бўлиш керак.

Сохта “баёног” шундай тугайди:

“Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.


Саидхужа Абдурахмонов”

Мусулмон одам ўз исмини русча талаффузда айтмайди ҳам, ёзмайди ҳам. Хуллас, баёногнинг МХХ кўппакларининг ижоди эканлиги зарра қадар шубҳамиз йўқ.

Унда келтирилган ояти карималарга эса тўхталиб ўтирмаймиз.

Чунки бу муқаддас оятларнинг “баёног” мазмунига ҳеч қандай алоқаси йўқдир.

МХХ нинг ити Ризо Обиднинг сайтида эълон қилинган иккинчи мақолага келадиغان бўлсак, у рус тилида ёзилган ва “Диссидент с двадцатилетним ста-



жем Штрихи к портрету Мухаммада Салиха” деб аталган. Маълумки ЎХХ нинг оммавий ахборот воситаларида сўнги вақтларда диктатор Каримовнинг жиноятларини фош қиладиган материаллар эълон қилдик. Хусусан, Сох анклав масаласида Ислом Каримовнинг бу туманимизда Қирғизистонга сотиши эҳтимоли ва 1999 йил 16 февраль Тошкентда содир қилинган портлашларининг Каримовнинг шахсий буйруғи билан режалаштирилгани ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистонда ва хорижда яшаётган ҳамюртларимизга шок таъсир кўрсатди. Бу билан дунёнинг энг зolim диктаторларидан бири ҳисобланадиган Ислом Каримовнинг кирдикорлари сув юзига чиқди. Афтидан Каримов ЎХХ сайтида бу мақолалар эълон қилингандан кейин МХХ чиларни оғзини тўлдириб сўккан бўлса керак, уларнинг ҳамкори “Замондош”да ушбу “ит хуришлари” пайдо бўлди. Рус тилидаги мақолада ҳеч қандай далилларсиз ЎХХ раҳбари Мухаммад Солих обрўсизлантирилишга уринилган. Аммо тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кимки Мухаммад Солихга тухмат тошларини отган бўлса, бу тошларнинг тухматчиларнинг ўзларининг бошини ёрган. Бу русча мақолада Мухаммад Солихга ўлим таҳдиди ҳам айтиб ўтилган. Маълумки, бировга ноҳақ ўлим тилаганнинг бошига ўлим қилиши кечикмайди...

Хурматли ҳамюртларимиз Каримов диктатураси билан ЎХХ орасидаги қураш ниҳой нуктага яқинлашиб бораётганини ҳис қилган бўлсалар керак. Яъни, эркинлик ва адолат тарафдорлари ўзбек халқини зулмдан озод қилиш учун зolim диктаторни тахтига жуда яқинлашиб қолдилар. Шунинг учун ҳам Каримовнинг кўппаклари бор овозлари билан янада қаттиқроқ хурмоқдалар...

Ўтган ҳафта бўлиб ўтган мажлисимизда сафдошимиз Тўлқин Қороев Сибир дарёларидан бирини Марказий Осиёга буриш режасни Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг сиёсий-иқтисодий дастурига киритиш масаласини муҳокамага қўйишни таклиф қилди. Шу муносабат билан сўнги 30 йилдан бери ўз долзарблигини йўқотмай келаётган бу мавзу буйича илгари ёзилган мақолаларимдан бирини архивимдан топиб, саҳифамизга тақдим этишни лозим топдим.

Муаллиф
16.02.2013

СИБИРДАН НАЖОТ ИЗЛАБ...



Бундан икки ойча аввал Русиянинг Тюменск вилоятида бўлиб ўтган бир форумда Марказий Осиёга Сибир сувларини йўналтириш борасида баҳс ва мунозаралар бўлди. Рус Академиги Петер Гончаров ўшанда, «Сибир дарёлари сувини Марказий Осиё минтақасига йўналириш кўпгина салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапирди.

Сибир дарёларини Орол денгизига қўйиш ҳақидаги илк таклифлар ҳали 80- йиллардаёқ олимлар томонидан муҳокама учун ўртага ташланган. Ўшанда кўплаб ижодкорлар ва олимлар томонидан бу таклиф рад қилинган эди. Бугунги кунга келиб, Марказий Осиё давлати раҳбарлари бу масалани яна кун тартибига киритишмоқда. Бу фикр Русия сиёсатчилари томонидан пул ишлаб қолишнинг бир йўли сифатида ижобий қабул қилинаётган бўлса-да, рус олимлари бу иш минтақанинг фақат ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўзгартирибгина қолмай, балки, бутун Марказий Осиё минтақасидаги иқлимни ўзгартириб юборади, деб ташвишланмоқдалар. Анчадан бери Марказий Осиёда сув ресурси масаласи катта муаммо бўлиб қолаётгани ҳаммага маълум. Бу минтақадаги ҳали советлар даврида қурилган сув тозалаш иншоотлари тамоман ишдан чиққан. Минтақа экологияси фалокат ёқасида эмас, ҳалокат ичида яшайпти, дейиш мумкин. Устига устак, сўнги йилларда бу минтақадаги сурункали курғокчилик туфайли экин майдонлари ярқисиз холга келган. Ўзбекистонда ҳам, Қозғистонда ҳам аҳоли, ичишга ярқисиз сувларни истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда.

Айни пайтда «Экосан» фонди вакили Юсуф Шодиметовнинг айтишича, Ўзбекистонда Канададагидан кўра, икки ярим марта кўпроқ сув ишлатилади, аниқроғи, исроф қилинади.

Албатта, бундай исрофгарчилик олдида Қирғизистоннинг сув учун Ўзбекистондан пул талаб қилиши мутлақо ўринли ва мантиқли кўринади. Ўзбекистонда тоза ичимлик сувининг танқислиги ҳақида унча кўп гапиришни исташмаса-да, Қозғистонликлар бу муаммони муҳокама учун тобора кенгроқ майдонга олиб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қозғистонлик экологларнинг айтишларига кўра, ҳар йили сув омборларига турли қувурлардан 5 кубокилометрга яқин ифлосланган сув келиб тушмоқда. Ҳукумат канализация ва сув омборлари аҳволини яхшилаш учун 750 миллион евро лозимлиги ҳақида гапирмоқда. Маълумки, асосий табиий сув ресурслари Қирғизистонда жойлашган бўлиб, Ўзбекистон ва Қозғистон унинг биринчи истеъмолчиларидир. Қирғизларнинг ўзлари сувнинг 20 фоизидан фойдаланади. Агар илгари сув муаммоларини қўшни давлатлар ўзаро келишув битимлари билан ҳал қилган бўлсалар, бугун бу давлатлар ўртасида на келишув бор, на битим.

Қирғизистон Парламенти Ўзбекистондан фойдаланаётган сув учун ҳақ тўлашини сўраган бўлса, Ўзбекистон ҳукумати бу талабга, «Худонинг берган бойлиги ҳамманики бўлади» қабилида жавоб қайтармоқда. Бу келишмовчиликлар ҳали ҳал этилмаган бўлса-да, оқар сувни ҳеч ким тўхтатолгани йўқ.

Яқинда тинч ҳаётни бошлашга ҳозирланаётган Афғонистон ҳам Амударёдан ўзининг улуштини олишга шайланмоқда. Афғонистоннинг шимолӣ минтақаларидаги 400 минг гектарлик яқин ерлари учун Амударёдан сув олинади. Бу ҳам, албатта, ўлаётган дарё ва денгизнинг аҳволини янада мушкуллаштиради.

Муаммолар гирдобиди қолган Марказий Осиё давлатлари яна нажот излаб, Русияга, аниқроғи, Сибир томонга, Сибир дарёларига кўз тикишдан бошқа чоралари қолмаяпти. Ким билади, балки, сўнги йилларда Марказий Осиёга ўз таъсирини ўтказиш учун зарур бўлган барча дастакларидан маҳрум бўлиб, ғазабланиб юрган Русия учун ҳам Сибир дарёлари кўринишидаги бундай қулай дастак жозибали кўриниб қолган бўлса, ажаб эмас.

Максуд Бекжон
01.08.2002

“ОДНОКЛАССНИКИ.РУ” ГУРУҲИМИЗНИНГ ЁПИЛИШИ ҲАҚИДА

Маълум бўлгани каби мана бир ҳафтадир УХХ нинг “Одноклассники.ру” сайтидаги гуруҳимизнинг фаолияти номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилганди. Биз бу ҳақда ББС ўзбек хизмати (<https://soundcloud.com/turkistontv>) ва ҳаракатимиз сайти орқали ҳурматли ўқувчиларимизга баъзи маълумотлар бердик.

Шунингдек, биз бу сайт эгаларига мурожаат қилиб, гуруҳимиз нимага ёпилиб қолганлигининг сабабларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ушбу мурожаатимизга қуйидаги жавобни олдик:

Уважаемый пользователь,
Группа заблокирована за нарушение условий Лицензионного соглашения

(п.7.4.3) и не подлежит восстановлению.

(7.4. Лицензиату запрещается:

7.4.3. осуществлять пропаганду или агитацию, возбуждающую социальную, расовую, национальную или религиозную ненависть и вражду, пропаганду войны, социального, расового, национального, религиозного или языкового превосходства;)

С уважением,

Анна

Служба поддержки пользователей
Одноклассники

Ушбу жавоб бизнинг “Одноклассники.ру” сайтидаги саҳифамизнинг фаолияти тўхатилиши учун оддий баҳона эканлиги кўриниб турибди. Чунки УХХ низом ва дастурида миллий ёки диний низоларга ўрин берилмаган, аксинча ҳаракатимиз жамият тараққиётининг ўрта, мўтадил йўлини танлагандир. Афтидан диктатор Каримов ва малайлари “Одноклассники.ру” сайти раҳбарларига таъсир қилишнинг бирон йўлини (МХХ орқали ёки катта пора билан) топиб, улардан бизнинг гуруҳимизни мана шундай ҳеч ким ишонмайдиган сабаб билан ёпиб қўйилишига эришганга ўхшайди.

Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Бу сабаб диктатор Каримовнинг сўз ва матбуот эркинлигидан ўлгудек қўрқишидадир. Чунки Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлиги таъминланадиган бўлса бу диктатура режимининг деярли чорак асрдан бери ўзбек халқига қилиб келаётган даҳшатли зулми, диктатор ва унинг оиласининг ҳуқуқий ва молиявий жиноятлари албатта фош бўлади. Натижада эса халқ жунбушга келиб, диктатор Каримовни ҳокимиятдан ағдаради...

Хуллас, кураш давом этади. Бир томонда, УХХ бошчилик қилаётган эркинлик, адолат ва ҳақиқат тарафдорлари, иккинчи томонда эса диктатор Каримовнинг зулм ва ҳақсизлик малайлари. Ушбу кураш майдонида сизларни УХХ билан ҳамкорлик қилишга яна бир марта қақирамиз.

Йўқолсин Ўзбекистонда Ислон Каримов диктатураси!

Яшасин Эркинлик ва Адолат!

УХХ Ташвиқот Бўлими



МУҲАММАД СОЛИҲ: “КАРИМОВ ТУЗУМИ ҚУЛАЙДИ”

Би-би-си ушбу савол билан АҚШ Хельсинки Комиссиясининг халқаро сиёсат бўйича директори Роберт Макнамарага мурожаат этган:

Роберт Макнамара: Албатта, содир бўлган Андижон воқеалари бизни энг хавотирга солаётган масала эди.

Биз ўша воқеалардан сўнг бир-икки кун ичида катта брифинг ўтказдик ва ташкилотимиз раҳбарлари бу борада каттарок тинглов олиб бориш ниятида эдилар. Ўзингиз биласиз, кечаги тинглов жараёнида Андижондаги фожеани ўз кўзи билан кўрган икки шохид иштирок этди. Биз у ерда бўлган воқеаларга ойдинлик киргизмоқчи бўлдик, айниқса, Президент Каримов мустақил текширув олиб боришга рухсат бермаганидан кейин.

Би-би-си: Шохидларнинг сўзлари ва Муҳаммад Солиҳнинг чиқиши ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Роберт Макнамара: Шохидларнинг сўзлари жуда ҳам ҳаяжонли янгради, у ерда даҳшатли ҳодиса содир этилгани маълум бўлди. Муҳаммад Солиҳга келсак, унинг нутқи жуда ҳам пухта ўйланган. Саволларимизга жавоб берганда, у кўтарган масалалар, назаримда, мамлакатда мустақилликдан 13 йил ўтиб, нормал сиёсий ва ижтимоий тизимни ўрнатишга эҳтиёж борлигини юзага чикарди.

Би-би-си: Бу тингловдан қандай натижаларни кутиш мумкин?

Роберт Макнамара: Сенатор Бро-

унбак Андижондаги хунрезликлар атрофида ва ундан кейинги вазият борасида ойдинлик киритишга чақирди. Биз бу саволларни кўтариб, Давлат Департаментига мурожаат қиламиз. Бизни хавотирга солаётгани - Андижон воқеаларидан буён етти ҳафта вақт ўтди. Бу анча кўп вақтдир. Ҳар бир ўтиб бораётган кун билан бу ҳодисаларни текшириш қийинлашиб бормоқда. Чунки айни ҳодисалар борасидаги далиллар йўқолиб кетмоқда, ё-да, уларни яшириш имконлари кўпаймоқда.

Би-би-си: Ўзбекистон ҳукумати мухолифат раҳбари Муҳаммад Солиҳни терроризмда айблаб, сиртдан узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм этган. Сизлар эса, уни Конгрессда қабул қилдингиз. Бу нимани аңглатади?

Роберт Макнамара: Биринчидан, тегишли мулозимлар Солиҳ жанобларига АҚШга келиши учун виза берган. Ва албатта, улар томонидан сиз айтиб ўтган масалалар текширилган. Жумладан, Каримов тузуми томонидан унга қарши қўйилган жиддий айбловлар, маҳкама иши ва чиқарилган ҳукм ўрганилган. Шунингдек, биз биламизки, Муҳаммад Солиҳ, Миллий Хавфсизлик Кенгаши ва Вашингтондаги бошқа мулозимлар билан ҳам учрашмоқда. Агар у ҳақиқатдан ҳам айбдор бўлганда эди, бундай учрашувларга йўл қўйилмаган бўларди.

(Би Би Си, 19.07.2005)

МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ЛОНДОНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Британияга ташриф буюрган «ЭРК» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳ 19-январ куни Лондондаги Қироллик Ташқи алоқалар институти - «Chatham House»да «Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар истиқболи» мавзуида чиқиш қилди.

Ўз нутқида Муҳаммад Солиҳ Андижон инқирози Ўзбекистондаги тузумни ислоҳ қилиб бўлмаслигини кўрсатганини айтиб, Ғарб давлатлари ва жамоатчилиги Ўзбекистондаги демократик кучларни қўллаб-қувватлаши кераклигини урғулади.

Шундан сўнг у учрашувга таклиф этилган Британия Ташқи ишлар вазирлиги мулозимлари, дипломатлар, бизнесмен ва Марказий Осиё бўйича мутахассисларнинг саволларига жавоб берди.

«Chatham House» - Ташқи алоқалар соҳасида нафақат Британия, балки Оврўподаги энг нуфузли институтлардан бўлиб, Британия ҳукуматига ташқи сиёсат борасида маслаҳатлар беради. Институт ҳомийси Британия Қироличаси Елизавета II дир.

Муҳаммад Солиҳ «Chatham House» да чиқиш қилган

Ўзбекистонлик биринчи сиёсатчидир.

«Chatham House»га яқин манбаларнинг билдиришича, Ўзбекистоннинг Британиядаги Элчихонаси Муҳаммад Солиҳнинг ташрифи арафасида институт раҳбарларидан у билан учрашувни бекор қилишни талаб қилган. Аммо «Chatham House» ўзининг мустақил ташқи сиёсат маркази эканини айтиб, ўзбек дипломатларининг талабини рад этган.

Муҳаммад Солиҳнинг Британияга ташрифи давом этмоқда. Жума куни у консерваторларга яқинлиги айtilган «Policy Exchange» сиёсий тадқиқотлар марказида сиёсатчи ва журналистлар билан учрашади.

(2006)

НЕВРОЛОГИК ВА РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР

“Вайл ва ҳалок, жаҳаннамнинг қайноқ суви бошларига тўкиладиган кимсалар учундир. Улар дунёда бош оғриғига сабр қила олишмаган”.
(Ҳадиси шариф).

Бош оғриғи

Бош ич тўқимаси оғрик қабул қилувчилар бўлмагани учун мия оғрмайди.

Бош оғриғи билан бирга барча оғриклар, аслида, инсон вужудининг иммунитет тизимига юборган шошилинч рапортидир.

Бу рапортда танага келган зарарнинг: эзилиш, қонаш, кимёвий модда билан таъсирланиши каби сабаблар, инфекция типи батафсил айтилади.

Бош оғриғи сифатида ҳис қилинган оғрик, аксар тананинг истаган жойида юзага келган безовталанишдир.

Мияда ҳар аъзога оид марказ бўлиб, аъзоларда юзага келган безовталиқнинг маълумоти бу безовталиқ сабабли чиққан кимёвий моддалар билан ва аниқ частота тўлқинлари орқали сигналлар ҳолида миянинг тегишли марказларига келади.

Бу сигналлар мияда оғрик ҳиссини чиқариб, кишини зарарли ҳаракатлардан сақлайди ва касалликнинг ривожланишини тўхтатади.

Мия, айти пайтда, бу сигналларни синфлангириб, мукамал маълумотлар шаклида иммунитет тизимига юборади ва иммунитет тизимининг систематик сақлашни дастурини тайёрлашни таъминлайди.


Инсон оғрикқа сабр қилса, мия ва иммунитет тизимининг вазибаларини тўқис бажаришига имкон бериб, танани касалликлардан сақлаган бўлади.

Оғрик тўхтатувчи дори ичилганида эса, оғрик билан бирга бу маълумот юборилиши ҳам тўхтайдиган. Касаллик каттаришда давом этади, аммо иммунитет тизими бунга қарши курашишдан воз кечади!

Ичилган ҳар оғрик қолдирувчи, тўғрироқ айтсак, ҳар бир кимёвий дори билан бирга, иммунитет тизими борган сайин заифлашади, бир муддатдан сўнг умуман ишламайдиган ҳолга келади.

Кичик таблетканинг инсонни қандай қилиб жаҳаннамга олиб боришини ва бир қарашда оғирдек кўринган юқоридаги Ҳадиси шарифнинг маъносини бу билимлар соҳида тушуниш мумкин. Сабрнинг муқофоти - соғлиқ, исённинг жазоси эса касалликларнинг каттариши эканини рўй - рост кўриш мумкин.

Миянинг ўзида оғрик қабул қилувчилар йўқ, аммо бош суягининг ички тарафи ва миянинг устини қоплаган пардаларда, мия томирларида оғрик қабул қилувчилар бор. Шу сабаб, миядаги қон-суюқлик айланишининг бузулиши, мия шиши каби баъзи мия касалликлари, аспартам, нитрит-нитратлар, парабенлар каби баъзи қўшимча моддалар ва уларнинг бир-бири билан



реакцияси мия пардасини ёки томирларини таъсир остига олиб, бош оғриғи чиқаради.

Бош оғриғи - ич кетиши, буйрак ва сийдик йўллари, ошқозон, жигар, ўт пуфаги, юксак қон босими, ясси товонлилик (плоскостопия),

бачадон ва простат касалликлари каби - жуда кўп бошқа касалликларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Ич қотишига боғлиқ бўлган ва энг кўп учрайдиган бош оғриғи шундай келади: Давомли ич қотиши натижасида қалин ичакнинг охириги қисми, яъни текис ичак кенгайди, холи ўзгаради ва чиқиши йўли (анус) атрофида халтачалар чиқишни бошлайди. Бу халтачаларда тўпланган ташки, шилимшиқ суюқлик ва яллиғланиш каби моддалар анус атрофидаги ва мия билан боғлиқ 100га яқин акупунктур нуқтасини таъсир остига олади.

Бош оғриғи бу акупунктур нуқталари воситасида ҳис қилинади. Бу сабаб билан оғрик тўхтатувчи дори ичиш зарар, ҳатто аҳмоқликдир.

Оғрик тўхтатувчи дори ўрнига, совук сув билан таҳорат олиш ва бир ичак бўшатувчи билан ичакларни бўшатиш бундан яхшироқ.

Бу тур бош оғриғидан кутулишнинг энг қисқа ва қулай йўли “Ошқозон ва ичакларнинг даволаниши” ва “Қабзият” бўлимида айтиб ўтилди.

Буйрак ва сийдик йўлларида боғлиқ бош оғриғи аввало оёқ орқасидан бошлайди, энгса чуқурдан юқорига қараб юради ва кўзнинг ички учларигача бориши мумкин. Айти пайтда катта ва кичик қон босими юксалиб, бош оғриғини ортириши мумкин. Бу ҳолатда оғрик қолдирувчи дори ичиш - боши берк кўчадир. Чунки оғрик қолдирувчилар буйрак ва сийдик йўллари безовталиқларини кўпайтиради, булар кўпайгани сайин, бош оғриғи ҳам каттиқлашади. Чораси - оғрик қолдирувчи олишда эмас, сийдик йўллари ва буйракларнинг давосидадир.

Бугун дунёда сурункали буйрак оғрикларининг энг кўп учрайдиган сабабларидан бирининг оғрик қолдирувчи дорилар ва аспириин экани аниқланди.

Бу демак, диализга сурункали боғланган буйрак касалларининг орасида оғрик қолдирувчи ва аспириин ичувчилар сони кўп демакдир.

Жигардан таъсирланган бош оғриғи ўнг томон, талоқдан юзага келган бош оғриғи чап тарафга юради. Ўткинчи қусиш ва ич кетиши, қолувчи жигар ва талоқнинг даволаниши билан ўтади.

Мияда тўпланган токсик моддалардан чиққан бош оғриғи. Мия, ўзидан

чиққан ёки қон айланиши билан ўзига етган токсик ва ортикча моддаларни синусларга ва қулоқ орқасига ва қулоқларга юборади.

Синусларга юборилган токсик ва ортикча моддалар (nazofaring) окинти билан бодомсимон безларга, овоз пайларига, бўғиз (ейиш қувури)га, ўпка ва ошқозонга оқиб, бу органларда касалликларга замин ҳозирлайди.

Бундан юзага келган, тўлин ой ва янги ой бошида такрорланувчи бош оғриклар сирасида мия синусларга ва у ердан ошқозонга қуйдирувчи, ёмон ҳидли токсик модда чиқаради, касал бундан қусади ва бу қусиш билан бош оғриғи ўтади.

Бу тур бош оғриғи очлик билан даволаниш пайтида кўпайиши мумкин, чунки очликда мия тўқималарида тўпланган токсик моддалар ва метаболизм ахлатлари парчаланиб, газ чиқаради, бу газ сабаб бош суягининг ич босими ортади.

Бош оғриғининг каттиқлиги тўғридан-тўғри бу босимнинг кучланишига боғлиқ. Бу сирада қон олдирилса газ ташқари чиқади ва бош оғриғи ўтиб кетади.

Бу тур боши оғрийдиганлар ёстиқларини баланд қилишлари керакки, мияда тўпланган модда ташқарига оксин.

Қулоқ орқаси ва қулоқларга келган токсик ва ортикча моддалар, яллиғли қулоқ касалликлари, қулоқ орқаси яралари ва чипқонларга сабаб бўлиши мумкин. Бу безовталанишлар, даволаниш пайтида ортиши мумкин. (“Конвулсия” бўлимига қаранг.)

Ошқозон билан боғлиқ бош оғриғи, қон гуруҳи “А” бўлганларда қусиш, қон гуруҳи “О”, “В” ва “АВ” лар қуса олмасдан таом ейишлари билан ўтади. Ясси товонлилик (плоскостопие)дан келган бош оғриғи. Охириги пайтларда болаларда ва ёшларда ясси товонлилик кўпайган. Ясси товонлилик юриш асносида умуртқада ортикча юк юклайди ва умуртқада деформация келтириб чиқаради. Умуртқа каналида суюқлик айланиши қийинлашади ва бош оғриғига сабаб бўлади.

Ясси товонлилик билан боғлиқ бош оғриғини олдини олиш учун оёқ қафти ва бел мускулларини кучга киритиш керак ва умр бўйи кучли тутиб туриш керак. (“Ҳаракат” бўлимига қаранг.)

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош